

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

З.М. БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

КАРИМОХУНОВА ИҚБОЛОЙ

**IX-XIII АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ШАҲАРЛАРИДА САВДО-СОТИҚ ВА
ТАДБИРКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ**

Мутахассислик: 5А 220221 – «Ўзбекистон тарихи»

Ватан тарихи магистри даражасини олиш учун

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Андижон-2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1-боб. IX-X АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁДА ТАДБИРКОРЛИК ВА САВДО-СОТИҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ОМИЛЛАР

- 1.1. Ўрта Осиёдаги иқтисодий тараққиёт ва унинг муҳим омиллари**
- 1.2. IX-X асрларда Ўрта Осиё савдо алоқаларининг ўзига хос жиҳатлари**
- 1.3. Мовароуннахр шаҳарлари тараққиёти.**

2-боб. XI-XIII АСР БОШЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

- 2.1. XI-XII асрларда Ўрта Осиёдаги ижтимоий аҳвол ва тадбиркорлик муносабатлари.**
- 2.2. XII аср иккинчи ярми – XIII аср бошларида Мовароуннахрда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ алоқаларининг аҳволи.**

ХУЛОСА

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгани ҳам тарихга айланиб улгурди. Мустақиллигимиздан кейинги ўтган нисбатан қисқа фурсат ичида ўзбек халқининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берди, катта ютуқларга бой бўлди. Бу улкан ўзгаришлар ўтмиш воқеа-ходисаларидан тўғри сабоқ олиш ва бунга кўра келажакни тўғри белгилашни ҳам тақазо этади. Бу борада тарих фанининг роли бекиёс бўлиб, унинг аҳамияти ҳам тобора ортиб бормоқда.

Истиклол йилларида ўзбек тарихшунослигида ҳам катта ижобий ўзгаришлар юз бериб, тарихимизнинг советлар ҳукмронлиги даврида бузилган, сохталаштирилган саҳифалари адолат мезонлари асосида ҳаққоний равишда ўрганила бошланди. Халқимизнинг узоқ йиллар давомидаги орзу-ниятлари рўёбга чиқиб, ўзининг ҳақиқий тарихига эга бўлмоқда. Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини тадқиқ этиш, ўрганиш давлат сиёсати аҳамиятидаги даражага кўтарилди. Зеро, юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек, “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”¹.

Ватанимиз мустақиллиги йилларида республикамызда туб иқтисодий ислохотлар ўтказилди. Республикамыз бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодий ривожланиш йўлини танлаб олди. Тараққиётнинг “ўзбек модели” дастлабки йилларданок ўзининг ижобий самараларини бера бошлади. Энг муҳими, давлатимизда хусусийлаштириш амалга оширилиб, эркин тадбиркорлик билан шуғулланишга кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, ўтган 2012 йилнинг “Хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниб, тадбиркорларга катта имконият ва имтиёзларнинг берилишида ҳам жуда катта маъно-мазмун бор. Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳунармандчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш, ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланаётган барча аҳоли қатламларига катта шароит ва кенг имкониятлар яратилмоқда.

Маълумки, Ватанимиз ҳудудларида савдо-сотиқ ва тадбиркорлик муносабатлари жуда қадим замонларданок пайдо бўлиб, ривожланиб келган. Ўзбек халқи ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ борасида кўп минг йиллик тажрибага эга. Халқимизнинг ўтмишида савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик тараққиёти орқали юксак фаровонликка эришилган даврлар кўп бора юз берган. Бу жиҳатдан ривожланган ўрта асрлар (IX-XIII асрлар) даги иқтисодий тараққиёт алоҳида аҳамиятга эга. Бу даврда ўлкамызда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ бекиёс даражада ривожланди, шаҳарлар гуллаб-яшнади. Иқтисодий тараққиёт ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Бу даврда Ўрта Осиё ўрта аср Шарқининг энг ривожланган, гуллаб-яшнаган минтақасига айланди.

Ўрта Осиё халқлари араб халифалиги ҳукмронлигидан ҳалос бўлиб, ўлкада сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар ва хоразмшоҳлар давлати сингари марказлашган давлатлар ҳукм сурган даврда ҳунармандчилик, тадбиркорлик муносабатлари, савдо-сотиқ ишлари фақат маҳаллий миқёсда эмас, балки халқаро миқёсда ҳам етакчи даражага кўтарилди. Бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, хусусан, тадбиркорлик муносабатлари яқин даврларгача тарихшуносликда ҳаққоний ўрганилмай келинди. Советлар ҳукмронлиги йилларида тарихий жараёнларга фақат бир томонлама – синфийлик нуқтаи назаридан баҳо берилганлиги боис ҳам, бу даврдаги иқтисодий ривожланиш масалалари ўзининг ҳаққоний талқинини топа олмади. Аждодларимизнинг савдо-сотиқ ва тадбиркорлик соҳасидаги асрий тажрибалари етарлича тадқиқ этилмади.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: “Шарқ”, 1998. – 5-бет.

Танланган мавзунинг муҳимлиги шундаки, ўтмиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқариш, ўтмиш анъаналари ва тажрибаларидан оқилона фойдаланиш бугунги кундаги иқтисодий ислохотларни тўғри ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Ривожланган ўрта асрлар давридаги савдо-сотиқ ва тадбиркорлик соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва анъаналар, тажрибалар бугунги кун учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу анъаналарни бугунги кун шароитларига мос равишда қўллаш мумкин.

Бу масалани ўрганишнинг долзарблиги яна шундаки, советлар ҳукмронлиги даврида республикамізда миллий ҳунармандчилик, хусусий тадбиркорлик, хусусий савдо-сотиқ тамоман йўқ қилиб юборилди. Бу соҳадаги бой тажрибалар унутилиш даражасига келиб қолди. Бу ҳол халқимизни тадбиркор, ишбилармон қатламининг йўқолиб боришига ва умуман бозор муносабатларининг барбод бўлишига олиб келди. Бу ҳолатнинг бутун жараёнларини таҳлил қилиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ўрганиб, улардан хулоса чиқарган ҳолда, республикамізда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ривожига амалий тавсиялар бериш бозор механизмини шакллантиришда ва миллий ҳунармандчилигимизни қайтадан ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Президент И.А. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганларидек, “биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамят тан олгани – бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз”¹.

Юқорида баён қилинган фикрлар ривожланган ўрта асрларда Ўрта Осиёда савдо-сотиқ ва тадбиркорлик муносабатлари тарихини бугунги кун талаблари, эҳтиёжлари асосида ўрганишнинг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Ўзбекистонда савдо-сотиқ ва тадбиркорлик тарихи бўйича махсус тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. Хусусан, X-XIII асрлардаги ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотиқ масаласига бағишланган махсус монография ёки тадқиқот ишлари ҳозиргача яратилмаган. Муаммонинг айрим масалалари Ўзбекистоннинг умумий тарихига оид фундаментал асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалардагина ёритиб ўтилган, ҳолос.

Ушбу мавзунинг тарихшунослиги ҳақида фикр юритганда мавжуд адабиётларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи гуруҳга совет ҳукмронлиги йилларида яратилган фундаментал тадқиқотлар, дарсликлар ва бошқа монографик тадқиқотлар² кириб, уларда IX-XII асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид бобларда маълум даражада ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва тадбиркорлик масалалари ҳам ёритиб ўтилган. Бу асарларда ўрганилаётган даврдаги ҳунармандчилик, унинг турлари, савдо-сотиқнинг қўлами ва хусусиятлари маълум даражада ёритиб ўтилган. Лекин бу асарларда муаммога синфийлик нуқтаи назаридан, коммунистик мафкура ғоялари бўйича баҳо берилганлиги боис, воқеа-ҳодисалар аксари ҳолларда фақат салбий талқин қилинган. Масалан, бу каби асарларда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б. 3.

² История Узбекской ССР. Том I. Книга первая. – Ташкент, 1955; История народов Узбекистана. Том 1-2. – Ташкент: 1947; История Узбекской ССР. Т. 2-3. – Ташкент: 1952. 1953; Ўзбекистон ССР тарихи, 1-2-жилдлар. Тошкент: 1967 – 1970; Гафуров Б.Г. Таджики. – Москва: 1972; Бартольд В.В. Сочинения. Т. 1-8. – Москва: 1963 – 1973; Агаджанов С.Г. Сельджукиды и Туркмения в IX-XII вв. – Ашхабад: 1973; Агаджанов С.Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX-XII вв. – Ашхабад: 1969; Буниатов З.М. Государство Харезмшахов – Ануштегинидов. – Москва: 1986; Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков А.А. Средневековый город Средней Азии. – Москва: 1973; История Ташкента. Т.1. – Ташкент: 1968; История Самарканда. Т. 1-2. – Ташкент: 1971; Бухоро тарихи. – Ташкент: 1974; Караев О. История караханидского каганата. – Фрунзе: 1983; ва бошқалар.

қолоқлиги, хунармандларнинг оғир ҳаёт тарзи, ҳукмрон табақа вакилларининг “шафқатсиз эксплуататорлиги”, савдогарларнинг фақат бойлик орттириш йўлида фаолият олиб борганлиги жуда бўрттириб кўрсатилган. Айниқса, шаҳар ва қишлоқлардаги тадбиркорлар ҳам эксплуататор синф вакиллари сифатида талқин қилинган.

Бу асарларнинг тарихшуносликдаги қиммати шундаки, уларда ўз даврида жуда кенг кўламдаги манбаларнинг таҳлил қилинганлиги ва илмий истеъмолга киритилганлигидир. Улардан бугунги кунда муаммога доир зиддиятли масалаларни таққослаб ўрганиш, танқидий нуктаи назардан фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида Ватанимиз тарихида кечган воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний, ҳолисона ва ҳар тарафлама тадқиқ этган бир қатор фундаментал асарлар, монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди¹. Бу асарларда ривожланган ўрта асрлардаги (IX-XIII асрлар) хунармандчилик ишлаб чиқариши ва унинг турлари, бу соҳадаги ютуқлар ва эришилган тараққиёт масалалари, Ўрта Осиёдаги шаҳарлар тараққиёти, тадбиркорлик муносабатлари ва савдо-сотиқнинг ривожланиши масалаларига атрофлича тўхтаб ўтилган. Энг муҳим томони бу асарларда мазкур мавзу ҳар тарафлама, яъни бу соҳанинг мавжуд камчилиги, муаммолари, ютуқлари каби масалаларига кенг ўрин берилган. Бу асарларда хунармандчилик ва савдо-сотиқ ўзбек халқининг энг қадимий қадриятларидан бири эканлигига алоҳида эътибор берилган. Энг муҳими бу асарларда масалага миллий рух, миллий ғоя асосида баҳо берилган.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, бу асарларда ҳам IX-XIII асрларда Ўрта Осиё шаҳарларидаги хунармандчилик ишлаб чиқариши, тадбиркорлик муносабатлари ва савдо-сотиқ масалалари тарихи фақат умумий масалалар баёни таркибидагина ёритиб ўтилган, ҳолос. Ўзбекистон ҳудудларидаги тадбиркорлик муносабатлари тарихини энг қадимги даврлардан то бугунги кунларгача умумлаштирган биргина коллектив монография² бўлиб, унда Ўзбекистон заминида тадбиркорлик муносабатларининг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари таҳлил қилинган. Бу асарда биз ўрганаётган даврдаги тадбиркорлик ва савдо муносабатлари тарихи ҳам қисқача таҳлил қилиб ўтилган. IX-XIII асрлардаги тадбиркорлик ва савдо-сотиқ тараққиёти тарихини алоҳида тадқиқот сифатида умумлаштирувчи китоблар, тадқиқот асрлари ҳозиргача яратилгани йўқ. Бу масалага бағишланган тадқиқотлар турли илмий тўпламлардан ўрин олган бир нечта мақолалардангина иборат, ҳолос³.

Ушбу долзарб мавзунинг тарихшунослик жиҳатидан таҳлили ҳам кўрсатиб турганидек, IX-XIII асрлардаги тадбиркорлик ва савдо-сотиқ муносабатлари тарихи ҳозиргача алоҳида илмий изланиш объекти бўлган эмас.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқот учун танланган мавзунинг долзарблигидан келиб чиқиб, IX-XIII асрларда Ўрта Осиё шаҳарларидаги савдо-сотиқ

¹ Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-2 жилдлар. – Тошкент: “Фан”, 1992-1993; Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1994; Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи (Биринчи китоб). – Т.: “Ўқитувчи”, 1997; Муаллифлар гуруҳи. Ўзбекистон тарихининг долзарб саҳифаларига янги чизгилар. Даврий тўплам. №2. – Т.: “Шарқ”, 1999; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) – Т.: “Шарқ”, 2000; Сағдуллаев А.С., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: “Академия”, 2000; Жабборов И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати. – Тошкент: 2002; Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: “Шарқ”, 2001; Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003; Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tapixi. Birinchi kitob (to’ldirilgan, qayta ishlangan ikkinchi nashri). – Т.: “Sharq”, 2010; Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. – Андижон: 2011., ва бошқалар.

² Очерки истории формирования и развития предпринимательства в Узбекистане. / Отв. ред. Д.Х. Зияева, Д.А. Алимова. – Ташкент: 2011.

³ Қаранг: Маҳкамова Н. Великий Шелковый путь и развитие торговли в Средней Азии. // “Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: 2004.

ва тадбиркорлик муносабатлари тарихини тарихий манбалар, мавзуга оид янги илмий адабиётлар асосида ўрганиш, муаммони миллий истиқлол мафкураси талаблари даражасида таҳлил этиш тадқиқот мақсадини ташкил этади. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда тадқиқотда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгиланди:

- Мовароуннаҳрда IX-X асрларда юзага келган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва унинг омилларини ёритиш;
- IX-X асрлардаги Ўрта Осиёдаги хунармандчилик ишлаб чиқариши ва тадбиркорлик муносабатларининг ўзига хос томонларини ўрганиш;
- Ўрта Осиё шаҳарларидаги тадбиркорлик кўринишлари ва савдо-сотиқ муносабатларини таҳлил қилиш;
- Мовароуннаҳр савдогарларининг қўшни мамлакатлар билан олиб борган савдо алоқалари ва бу савдода айирбошланган маҳсулотлар ҳақида маълумот жамлаш;
- Ривожланган ўрта асрларда Ўрта Осиё шаҳарлари тараққиётини таҳлил қилиш, шаҳарлар ривожини ҳақида маълумот бериш;
- IX-XII асрларда Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришларни таҳлил қилиш;
- Ўрганилган масалалар, маълумотларни назарий жиҳатдан умумлаштириш асосида ушбу мавзунинг кенг ва атрофлича тадқиқ этиш юзасидан амалий тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ушбу магистрлик диссертациясида ўрганилаётган мавзу тамоман янги, замонавий методология асосида тадқиқ қилинмоқда. Тадқиқотда миллий ғоя, миллий истиқлол мафкурасининг устувор тамойилларига асосланган ҳолда ривожланган ўрта асрлардаги хунармандчилик ишлаб чиқариши, тадбиркорлик муносабатлари ҳамда савдо-сотиқнинг ҳолати тарихи магистрлик диссертацияси сифатида биринчи бор тадқиқ этилмоқда.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини ривожланган ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил қилади. Ўрта Осиё шаҳарларидаги хунармандчилик, савдо-сотиқ ва тадбиркорлик муносабатлари ва бу борадаги тажрибалар тадқиқот предмети саналади.

Тадқиқотнинг даврий чегараси IX-XIII асрларни ўз ичига олади. Айнан шу даврда Ўрта Осиёда мислсиз даражада сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт юзага келганки, бу ривожланиш илмий тилда уйғониш даври (ренессанс) деб аталади. Бу асрларда мамлакатимиз ҳудудларида сомонийлар сулоласи Мовароуннаҳрда ўзларининг мустақил давлатчилигига асос солдилар ва Ўрта Осиёда миллий давлатчиликнинг янги анъанасини бошлаб бердилар. Сомонийлар давлатидан кейин Ўрта Осиёда бирин-кетин қорахонийлар, ғазнавийлар, салжукийлар ва хоразмшоҳлар давлатлари ҳукм сурди ва сомонийлар даврида бошланган тараққиёт ўзининг чўққисига кўтарилди. Бу юксак тараққиёт XIII асрларнинг биринчи чорагида мўғуллар босқини натижасида таназзулга юз тутди.

Тадқиқотнинг жуғрофик рамкаси ўрта асрларда, аниқроғи араб халифалиги ҳукмронлиги давридан эътиборан Мовароуннаҳр деб юритилувчи улкан географик маконни ўз ичига олади. Бу географик макон ичига Амударё билан Сирдарё оралиғидаги ерлар, Хоразм, Шарқий Туркистон, Жанубий Туркистон ҳудудлари киради. Айнан шу ҳудудлар қадимданоқ яхлит макон сифатида ягона ривожланиш босқичларини босиб ўтган. Биз кўраётган даврда ҳукм сурган сомонийлар, қорахонийлар, салжукийлар ва хоразмшоҳларнинг асосий таянч маконлари ҳам айнан шу ҳудудлар бўлган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўрганилган мавзу тарихий тадқиқотларнинг замонавий методлари асосида тадқиқ этилади. Тадқиқотда миллий истиқлол мафкурасининг устувор тамойилларига асосланган ҳолда IX-XIII асрлардаги савдо-

сотик ва тадбиркорлик муносабатлари тарихи магистрлик диссертацияси сифатида биринчи бор тадқиқ этилмоқда.

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Бажарилган магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижасида жамланган илмий маълумотлар, назарий хулосалар ва умумлаштиришлар Мовароуннаҳрда IX-XIII асрларда юксак тараққиётга эришган савдо-сотик ва тадбиркорлик муносабатлари тарихини холисона ўрганишга хизмат қилади. Тадқиқот натижасида жамланган маълумотлардан таълимнинг турли босқичларида ўқув жараёнида қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация материалларидан Ўзбекистон тарихидан дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Айни вақтда ушбу магистрлик диссертацияси келгусида ушбу мавзунинг докторлик диссертацияси сифатида ҳам тадқиқ этишда ҳам амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асосини тарихшунослик фанининг асосий принциплари бўлган тарихийлик, илмийлик ва объективлик ташкил этади. Тарихийлик принциплари IX-XIII асрларда Ўрта Осиёдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичларини ва унинг хусусиятларини хронологик изчилликда ўрганишда намоён бўлади. Илмийлик ва объективлик тамойиллари эса тадқиқотда келтирилган маълумотларнинг аниқ фактик ҳужжатларга ва далилларга таяниб ёритилиши билан изоҳланади.

Диссертацияда Мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг устувор мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинди. Совет тузуми давридаги тарихий воқеа, ходисаларни ўрганишнинг хато методологик асосидан воз кечиб, унинг асосий принциплари бўлган партиявийлик, синфийлик қабилардан йироқлашиб, уларни инкор этишга ҳаракат қилинди. Айни пайтда тадқиқот ишида ўрганилган масалани тўғри ҳал этишда илмий билишнинг холислик, тарихийлик, тизимлилик ва ривожланиш каби тамойилларига амал қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида, маъруза ва нутқларида, давлат ва ҳукумат фармон-қарорларида илгари сурилган методологик, илмий-назарий, маънавий-мафкуравий характердаги фикр-ғоялар, дастурий-концептуал кўрсатмалар тадқиқот ишида назарий методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг манба базаси. Мамлакатимиз ҳудудларидаги тадбиркорлик муносабатлари ва савдо-сотикнинг ўрта асрлардаги аҳволи ва ривожланиш жараёнлари ва бу ривожланишнинг асосий омилларини ўрганишда асосий манба бўлиб, бир қатор ёзма ёдгорликлар хизмат қилди. Маълумки, биз тадқиқ этаётган IX-XIII асрларда Мовароуннаҳрда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт билан бир қаторда тарихнавислик ҳам ривожланиб борди. Ўрта Осиёнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан ўнлаб етук муаррихлар етишиб чиқдилар ва улар қатор тарихий асарлар ёзиб қолдирдилар. Мовароуннаҳрда тарихнависликнинг ривожланиб бориши ва уларда жамият ҳаётининг турли йўналишлари бўйича маълумотларнинг ўз аксини топишининг ўзиёқ бу даврда нақадар юксак тараққиёт юзага келганлигидан далолат беради. IX-XIII асрлардаги ҳунармандчилик, тадбиркорлик муносабатлари ҳамда савдо-сотик тарихини кенг ва ҳар томонлама ўрганиш ва ёритиб боришда туркий, форс, араб тилидаги қўлёзма манбаларнинг ўрни бекиёсдир. Албатта, биз ҳозир уларнинг барчасига бирма-бир, батафсил тўхталиб ўтолмаймиз. Чунки, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий ҳаёт, элчилик алоқаларига оид маълумотларни ўзида жамлаган тарихий асарларнинг сони жуда ҳам кўп¹.

¹ Абулғозий Баҳодурхон. Шажарайи турк. Қ. Муниров нашри. – Тошкент: 1992; Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-том. – Т.: “Фан”, 1968; Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. – Тошкент: “Ўзлпон”, 1991; Садр-Дин Али Хусайний. Зубдат ат-таворих. Издание и

Маълумки, ўрта асрлар тарихнавислиги анъаналарига кўра сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётга оид маълумотлар алоҳида бир асарда ёки муайян бир тартибда берилмай, бу маълумотлар асар узра сочилган бўлади. Воқеалар баёни ҳам йилма-йил, тартиб бўйича берилмай, бирон бир йил ёки бирон бир сулола намояндаси фаолияти билан боғлиқ шарҳда тилга олинган мавзуларнинг барчаси ёки фақат бир-иккитаси бўйича маълумот учраши мумкин. Бу албатта тадқиқотчи ишини мушкуллаштиради.

Хуллас, кўриб ўтганимиздек, мавзунинг манбавий асолари жуда кенг. IX-XIII асрларда Ўрта Осиёда тадбиркорлик муносабатлари ва савдо-сотиқ тарихини ёритиш учун турли тилларда битилган тарихий асарлар сони кўп. Уларда жамланган ҳужжатлар, маълумотлар ўзбек халқининг миллий ҳунармандчилиги, тадбиркорлиги тарихи ва савдо-сотиқ муносабатлари борасидаги асрий анъаналари ва тажрибасини узок тараққиёт йўлига эга эканлигини илмий равишда исботлайди.

Биз ушбу магистрлик диссертациясини тайёрлашда шарҳлаб ўтилган тарихий манбаларнинг бугунги кунда рус ва ўзбек тилларида амалга оширилган таржималаридан кенг фойдаландик.

перевод З. Бунятова. – Москва: 1980; Шихаб ад-Дин ан-Насавий. Жизнеописание султана Джалалад-Дина Манкбурни. Перевод З. Бунятова. – Баку: 1973; Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар Наршахий. Бухоро тарихи. А. Расулев таржимаси. – Т.: “Фан”, 1966; Абу Саъид Гардизий. Зайн ал-ахбор. Украшение извести. Перевод А. Арендса. – Ташкент: 1991; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 1-3. – Москва; Ленинград: 1946, 1952, 1960; Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: 1993; Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: 1973; Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк) Ш. Воҳидов ва А. Эркинов таржимаси. – Т.: “Адолат”, 1997; ва бошқалар.

1-боб. IX-X АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁДА ТАДБИРКОРЛИК ВА САВДО-СОТИҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ОМИЛЛАР

1.1. Ўрта Осиёдаги иқтисодий тараққиёт ва унинг муҳим омиллари

VII асрнинг ўрталарида арабларнинг Ўрта Осиёга таҳдиди жиддий тус олади. Сосонийлардан бўлган Яздигард III ни қувиб келган араблар 651 йили Марвни эгаллайдилар. Шундан кейин 60 йилдан ортиқ вақт мобайнида улар минтақанинг бошқа йирик марказларини ҳам босиб олишга ҳаракат қилдилар. Фақат VIII асрнинг бошларига келибгина араблар бирин-кетин Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Шош ва Фарғона каби вилоятларни бўйсундира олдилар. Албатта арабларнинг мазкур муваффақияти юртимиз шаҳар-қишлоқларини талаш, ватан ҳимоясига отланганларни кириш, асрлар давомида яратиб келинган турли ва кўплаб маданий-маънавий обидаларни (ёзма манбалар, ибодатхоналар ва ҳоказо) яқсон қилиш орқали амалга оширилган эди. Чунончи, арабларнинг Хоразмга қилган босқинини таърифлаб Абу Райхон Беруний шундай ёзган эди: “(араб лашкарбошиси) Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини (яъни тарихини) ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди”¹. Шу тариқа мамлакат милодий 1-мингйилликда илк бор ташқи тажовузкор домига тушиб, энди араб ҳалифалигига қарам бўлиб қолди. Шу билан ўлканинг сиёсий мустақиллиги ва давлатни бошқариш эрки ҳам йўқолди.

Ислом таълимоти асосида мафкуравий жиҳатдан жамиятда бир бутунликка эришилганини ҳисобга олмаганда бу галги эркин йўқотиш ҳам аждоқларимиз учун қимматга тушди. Маданий тараққиёт нуқтаи назаридан анча орқада бўлган арабларнинг узок асрлардан бери ҳар тарафлама обод ва фаровон ўлкага муносабати бундан кам ё ортиқ бўлиши мумкин ҳам эмасди². Шу муносабат билан илмий ва бошқа доираларда учраб турадиган “ўрта аср араб маданияти (цивилизацияси)” қабилидаги тушунчалардан воз кечиш вақти ҳам келди. Зеро, ягона мафкура ва маълум давргача араб тили ҳукмронлигини ҳисобга олмаса, бу давр фан ва маданияти моҳият эътибори билан туронликлари эронликлар саъй-ҳаракати билан жонланиб келган.

806 йилда Ўрта Осиёда араб ҳалифалигига қарши навбатдаги кўзғолон бошланади. Бу кўзғолон ғоявий жиҳатдан Муқанна кўзғолони анъаналарини давом эттирди. Кўзғолон Насаф, Бухоро, Усрушон, Шош, Хоразм ва бошқа вилоятларни ўз ичига олган жуда катта ҳудудга ёйилди. Бу ҳаракат Шош вилоятида айниқса кенг авж олади. Чунки, бу ерда VIII асрнинг 80 йилларидаги мағлубиятдан кейин қочиб келган жуда кўп Муқанна тарафдорлари тўпланган эди. Халқ ҳаракатига исёнкор араб лашкарбошиси Рофе ибн Лайс бошчилик қилди. У Самарқандни босиб олиб, бу ердан туриб кўзғолонга бошчилик қилади. Наршахийнинг маълумотларига кўра, бу кўзғолонни бостиришда Марвлик Сомон уруғидан бўлган Асаднинг ўғиллари ака-ука Нух, Аҳмад ва Яхёлар фаол хизмат кўрсатадилар. Улар Рофе ибн Лайсни сулҳ тузишга кўндирадилар ва шундай қилиб, уни ҳаракатдан четлаштириб қўйдилар. Кўзғолон 810 йилда батамом бостирилади.

Ҳалифа Маъмун сомон ўғилларининг бу хизматлари эвазига уларни Мовароуннахрнинг айрим шаҳар ва вилоятларига ноиб этиб тайинлайди. У Нухга Самарқандни, Аҳмадга Фарғонани, Яхёга Шош ва Усрушонни беради. Ибн Асирнинг маълумотларига кўра, бу мансабларга одам тайинлаш 820 йилда амалга оширилган. 821 йилда Хуросон ноиблиги вазифасига Тоҳир ибн Ҳусайн тайин қилинган³.

¹ Абу Райхон Беруний. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар. – Тошкент: 1967. – Б. 63.

² Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 91.

³ Ўзбекистон ССР тарихи. I том. Биринчи китоб. – Т.: “Фан”, 1970. – Б. 211.

Бир вақти келиб ака-укаларнинг, айниқса Аҳмад ибн Асаднинг аҳволи ёмонлашиб қолади. Фарғона ва Усрушонда ҳалифаликка қарши қўзғолон кўтарилади, ҳатто Аҳмад ўз ноиблигини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Қўзғолон Тоҳир ибн Ҳусайннинг ўғли Талҳа томонидан бостирилганидан кейин Аҳмад Фарғонага, ўз ўрнига қайтади ва бу гал унда узоқ муддатга ҳамда мустаҳкам ўрнашиб олади. Ака-укалар: Нух Самарқандда 819-820 йилдан 841-842 йилгача; Аҳмад Фарғонада 819-820 йилдан 864-865 йилгача; Яхё Шош ва Усрушонда 819-820 йилдан 855-856 йилгача ноиблик қиладилар¹.

Ўша вақтларда ноибликка тайинлаш инъом қилиш формасида бўлган, чунончи, мансабга тайинлаш билан бирга вақтинча фойдаланиш учун муайян ер мулки ҳам берилган. Сомонийлар, иккинчи даражали ноиблар сифатида фақат мис чақа (фулуслар) зарб қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Тоҳирийлар эса айни замонда кумуш танга (дирҳам) зарб қилганлар. Сомонийлар ихтиёрига топширилган вилоятларнинг нақадар бой бўлганлиги XI асрнинг машҳур араб географи Ибн Хурдодбеҳнинг ўша вақтда олинган солиқларни таърифлашидан кўриниб туради. Нух ибн Асаднинг вилояти Сўғднинг фақат бир қисмини, лекин анча катта қисмини ташкил этган. Бутун Сўғд халифа хазинасига тоҳирийлар орқали 326 минг муҳаммадий дирҳамидан тўлаб турган. Фарғона ҳам Аҳмад ибн Асад орқали ҳалифалик хазинасига 280 минг муҳаммадий дирҳами топширган. Яхё ибн Асад мулкига келганда Шош 607 минг мусайёб дирҳами, Усрушон эса 50 минг дирҳам солиқ тўлаб турган. Бундан 48 мингги муҳаммадий дирҳами ва 2 мингги мусайёб дирҳами бўлган². Бундай кўп миқдордаги солиқларни фақат жуда бой вилоятларгина тўлай олиши мумкин эди. Мовароуннахрнинг иқтисодий аҳволига унинг сиёсий обрўси ҳам, ҳарбий қудрати ҳам мос тушар эди.

Тоҳирийлар ва Сомонийлар даврида Мовароуннахрнинг асосий вилоятлари, энг аввало Зарафшон водийси хўжалик соҳасида фақат Ўрта Осиёнинг эмас, балки Олд Осиёнинг ҳам ўша замондаги илғор ва обод вилоятлари жумласига кирар эди. Бир томондан, шаҳар билан қишлоқ ўртасида, иккинчи томондан деҳқончилик билан шуғулланувчи қишлоқ туманлари билан кўчманчилар дашти ўртасида товар алмашинувининг тобора кучайиб бориши ва шунингдек, қарвон савдосининг тараққий этиши қишлоқ хўжалигини, қон ишлари ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши учун асос бўлди. Мовароуннахр иқтисодий жиҳатдан бошқа мусулмон давлатлари ичида энг биринчи ўринлардан бирини эгаллар эди.

IX асрда Мовароуннахр умумий ҳолат бўйича қишлоқ хўжалик мамлакати эди. Ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ҳам ривожланган бўлсада, ҳатто шаҳар ҳунармандлари ҳам шаҳар ташқарисида кичикроқ бўлсада боғ, томорқа ва боғчаларда ишлаб маълум даражада деҳқончилик билан машғул бўлар эдилар.

Географияга оид IX-X аср адабиётлари Мовароуннахрда етиштирилган қишлоқ хўжалик экинлари ва маҳсулотлари ҳақида деярли батафсил маълумотлар беради. Зарафшон, Қашқадарё водийларида, Фарғона, Илок, Шош ва Хоразмда ва ҳуллас, қишлоқ хўжалиги суғориш асосида олиб бориладиган ҳамма ҳудудларда деҳқонлар арпа, буғдой, шолі, таріқ, пахта ва бошқа экинларни етиштирганлар. Ўша вақтларда хўжаликда суғориладиган ерлардан ташқари баҳорикор ерлар ҳам катта ўрин эгаллаган. Бу жиҳатдан олганда Самарқанд яқинидаги Обигар рустоғи (қишлоғи) диққатни ўзига жалб қиладі. Ибн Хавқалнинг гувоҳлик беришига кўра, “Обигарга келганда эса унинг ерлари ёмғир билан суғорилади, унинг қишлоғи (Обигар) Самарқанднинг бошқа рустоқларига қараганда ободроқ ва аҳолиси жуда кўпдир. Аҳолисининг бойлиги чорва ва ғалладир. Қулоғимга етдики, бир ўлчов ғалла юз ҳисса ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 92.

² Ўзбекистон ССР тарихи. I том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1956. – Б. 211.

беради”¹. Географлар дуккакли экинларни адас (ёсмик), нўхат ва мулкни (мошнинг майда хили) тез-тез тилга оладилар.

Мовароуннахрнинг бир қанча туманларида, шу жумладан Зарафшонда ҳам қишлоқ хўжалигида пахта етиштириш етакчи ўрин эгаллаган. Ўша вақтларда пахта навлари афтидан бошқача бўлган. Шунингдек, бу ҳудудларда беда ҳам жуда кўп етиштирилган. Араб географларининг маълумотларига қараганда, сўғдчилар зиғирпоя, каноп ва каноп лоси экинларини ҳам кўп миқдорда етиштирганлар².

Зиғирпоя ва каноп уруғларидан маҳаллий аҳоли асосан ёғ олганлар. Хоразмда худда ҳозирги вақтдаги сингари седана ва кунжут экинлари кенг тарқалган ва буларнинг уруғларидан ҳам ёғ олинган. Географларнинг мевалар ва мева дарахтлари кўп бўлганлигини эслатиб ўтишларидан кўриниб турибдики, Х асрда бу ҳудудларда боғдорчилик юксак даражада тараққий этган. Мевали дарахтлардан шафтоли, ўрик, нок, олма, анор, анжир, беҳи, олча, олхўри ҳамда узум кенг тарқалган бўлиб, буларнинг ўнлаб навлари бўлган³. Шунингдек, Мовароуннахр ва Хоразм ўзининг сабзавот ва қовунларининг мўл-кўллиги билан ажралиб турган ва улар дунёда энг яхши навлар ҳисобланган. Мовароуннахрда етиштирилган экинлар ва меваларнинг ҳиллари юқорида санаб ўтилганлардангина иборат эмас, албатта. Бироқ суғоришга асосланган қишлоқ хўжалигининг муҳим хусусиятларини тасаввур қилиш учун юқорида кўрсатиб ўтилганларнинг ўзи кифоя қилади.

Тарихчи Истахрий Зарафшон водийсини тасвирлар экан, унинг серҳосиллигидан жуда завқланиб ёзган. Бухоро вилоятидаги дарё водийсининг ёппасига ўсимликлар билан кўм-кўк гиламдек бўлиб қопланганлиги уни айниқса қойил қолдирган⁴.

Мовароуннахр аҳолисининг хўжалик фаолиятида деҳқончилик ва боғдорчиликдан ташқари, ҳунармандчилик ҳам катта ўрин эгаллаган. Фақат шаҳарлардагина эмас, балки кўплаб қишлоқлардаги аҳолининг каттагина қисми ҳунармандчилик ишлаб чиқариши билан банд бўлган.

Сомонийлар даврида Мовароуннахр шаҳарларидаги ҳунармандчилик аҳволи таҳлил қилинганда айтиш мумкинки, ҳунармандчилик мамлакат аҳолисининг хўжалик фаолиятида катта ўрин эгаллаган. Фақат шаҳарлардагина эмас, балки кўплаб қишлоқларда аҳолининг катта қисми ҳунармандчилик ишлаб чиқариши билан банд бўлган. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида ёзилишича, Бухоро яқинидаги Зандона қишлоғида аҳолининг катта қисми ип-газлама тўқиганлар, бу газлама Мовароуннахрдан ташқаридаги узоқ жойларда ҳам машҳур бўлган. Наршахийнинг айтишича, “бу матони барча вилоятларга: Эрон, Форс, Ҳиндистон ва ҳоказоларга чиқарадилар”⁵. Искижкет қишлоғининг аҳолиси эса деҳқончилик билан бир қаторда ҳунармандчилик ва савдогарчилик билан ҳам шуғулланганлар. Искижкетдан ташқарига катта миқдорда ип-газлама чиқарилган. Бухоро вилоятининг бошқа шаҳарларида ҳам худди шу манзарани кўриш мумкин эди.

Ҳунармандчилик аҳволига баҳо берганда, шу нарса маълум бўладики, пахта, ипак, жундан турли матолар, тайёр кийимлар тайёрланиб, ўлка ва ён атроф аҳолисининг талаби қондирилиб келинган. Қоғоз ишлаб чиқаришда Мовароуннахр Ўрта ва Яқин Шарқда, Европа мамлакатлари орасида биринчиликда туриб, уларни бу ноёб маҳсулот

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 95.

² Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: “Мерос”, 1992. – Б. 130.

³ Ўша асар. 131-бет.

⁴ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 98.

⁵ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар Наршахий. Бухоро тарихи. (Форс тилидан а. Расулов таржимаси). – Т.: “Фан”, 1966. – Б. 133.

билан таъминлаб келганини алоҳида таъкидлаш лозим. “Самарқанд қоғози каби қоғозни, - деб ёзганди Х аср тарихчиси Истахрий, - дунёнинг ҳеч бир ерида учратмаймиз”¹.

Мовароуннаҳрда шунингдек шишасозлик (ранг-баранг шиша идишлар, безаклар, дераза учун ойна ишлаб чиқариш), кулолчилик (айниқса сопол идиш, буюмларни сирлаш борасида катта тажриба тўпланган), кўнчилик, гилам тўқиш, мисгарлик, куролсозлик, темирчилик, кунжут, чигит, зиғир, канопдан мой олиш каби ўнлаб соҳалар фаолият кўрсатиб, жамият ҳаётини яхшилашда муҳим ўрин тутган. Мақдисий ўз асарида Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларидан ва Эрондан чет мамлакатларга чиқариладиган товарлар рўйхати ҳамда тегишли моддий маданият ва санъат ёдгорликларидан олинган бошқа маълумотлар Х асрда асосий шаҳар ва қишлоқлардаги ҳунармандчилик ҳамда савдонинг қандай кўринишда бўлганлигини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

Манбаларда айтилишича, Бухородан чет давлатларга қўй териси, ёғ, соч мойи, майин газламалар, жойнамоз гиламлар, гиламлар, меҳмонхоналарга ёзиладиган дастурхон матолар, ушмун матолари, от эгарлари ва Табаристон матолари чиқарилган. Рўйхатнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, Бухоро бозорларидаги савдо-сотикда ип-газлама ҳамда жун тўқимачилик саноатининг маҳсулотлари катта ўрин эгаллаган².

Ушбу маълумотдаги “ушмун матолари” деганда, афтидан Мисрнинг Ушмунайн шаҳридан келтириладиган матони эмас, балки Бухорода тайёрланадиган матолардан бир турини тушуниш керак. “Табаристон матолари” қандай бўлган – улар Бухорога Табаристондан келтирилганми ёки булар ҳам Бухорода ишлаб чиқариладиган матоларнинг муайян бир тури бўлганми – бу ҳақида аниқ бир маълумот қайд қилинмаган. Манбада бу тур матолар Бухородан четга олиб чиқилганлиги қайд қилинганига кўра, бу матолар ҳам Бухоронинг ўзида тайёрланган бўлиши керак.

Бу даврда Самарқанд ҳам йирик ҳунармандчилик ва савдо маркази бўлган. Мавжуд манбаларда айтилишича, Самарқанддан чет мамлакатларга Самарқанд газламалари – симгин (кумушсимон) матолар, синизий матолар, хилма-хил ипак газламалар, булардан ташқари рўмоллар, узангилар, сувлуклар, қайишлар, катта мис қозонлар, ёнғоқ ва бошқа маҳсулотлар чиқарилган³.

Самарқанддан икки фарсах* масофада Вадор қишлоғи жойлашган бўлиб, бу ерда Ибн Хавқалнинг сўзларига кўра чиройли Вадор ип газламалари тўқилган. Бу жуда чиройли сарғиш, майин ҳамда пишиқ мато бўлиб, жамиятнинг бой табақалари орасида жуда қадрланган, унинг бозори жуда чаққон бўлган. Хуросонда бу матодан тикилган кийимни амирлар, вазирлар, қозилар ва бошқа амалдорлар кийганлар. Ундан тикилган либоснинг баҳоси икки динордан ўн диноргача бўлганлиги манбада айтиб ўтилган. Шунингдек, Мақдисий ўз асарида Вадор матоси Самарқанднинг Дабусия деган жойида ҳам тўқилганлиги ҳақида маълумот бериб ўтади.

Самарқандга яқин бир жойда бўлган Арбинжон ёки Рабинжондан четга қизил жундан ишланган қишки чопонлар, чарм ва чарм буюмлар, қалайдан қуйилган идишлар, зиғир ва олтингугурт чиқарилган. Жиззахдан эса қўшни давлатларга чиройли газлама ва кийим-кечаклар, Бинокентдан Туркистон матолари чиқарилган.

Шош ёки Чоч вилояти кўрилатган даврда чарм ва чармдан қилинган буюмлар ишлаб чиқариши билан машҳур бўлган. Буни аввало, унинг кўчманчи қабилалар билан қўшни бўлганлиги тақазо этган. Шош четга от терисидан ишланган баланд эгарлар,

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 98.

² Ўзбекистон ССР тарихи. I том. Биринчи китоб. – Т.: “Фан”, 1970. – Б. 219-220.

³ Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков А.А. Средневековый город Средней Азии. – М.: “Наука”, 1973. – С. 91-92.

* Фарсах – 6-8 км.га тенг масофа бирлиги.

ўқдонлар, чодирлар ва чорвадор турклар келтирадиган ишланмаган чармларни кўплаб миқдорда чиқарган. Айниқса, манбаларда Шошда тайёрланадиган камонлар – “Камони Шоший” ташқи мамлакатларда жуда машхур бўлган. Бундан ташқари, Шош вилоятидан чет мамлакатларга ва кўшни вилоятларга жундан тўкилган чопонлар, жойнамозлар, елкапўшлар, ғалла, темир игналар, туркларга юбориладиган қоғозлар ва темир қайчилар чиқарилган¹.

Араб географлари Илоқ вилоятини Шош вилоятига қарашли, баъзан эса ўзига мустақил деб билганлар ва уни Шош билан Фарғона ўртасида жойлашганлигини ёзадилар. Илоқ вилоятига Оҳангарон дарёси водийсининг деярли барчаси ва Чирчиқ дарёси чап қирғоғининг бир қисми кирган. Илоқ деҳқони Х асрда сомонийлар давлатидаги энг қувватли зодагонлардан бири ҳисобланган. Х асрда Илоқ округининг кумуш, кўрғошин конлари Афғонистоннинг машхур Панжхир конларидан қолишмас эди, деса бўлади. Бундан ташқари бу ерда тоғларда гилвата, ўтга чидамли оқ лой (каолин), аччиқтош, феруза, офит (серпантин), аметист каби қазилма бойликлари ҳам бўлган.

Тошкент вилоятининг Қорамозор мавзесида қадимги Илоқ конларининг қолдиқлари сақланган. Бу ердаги Кўхи Сим кони ўша пайтда жуда машхур бўлган. Археолог М.Е.Массоннинг айтишича, бу коннинг қолдиқларини Конимансур кони яқинидаги Далон қишлоғи ўрнидан топган. Кумуш-кўрғошин рудалари жуда кўп чиқарилганлиги учун Илоқда Мовароуннахрнинг учинчи пул зарб қилинадиган зарбхонаси очилган эди (бири Самарқандда, иккинчиси Бухорода бўлган). “Шош кони” сўзлари (Илоқ зарбхонаси шундай аталган) битилган энг қадимги тангалар аббосийлар халифаси Хорун ар-Рашид (786-809 йиллар), ўша пайтдаги Хуросон ноиб Маъмун ибн Хорун ар-Рашид замонларига мансубдир. Хорун ар-Рашид номидан зарб қилинган дирҳамлардан бирида “Шош конида 189 ҳижрий йилда (805 йил) зарб қилинди”, бошқа бирида эса – 190 (805-806) йилда, деган сўзлар бор².

Илоқдаги кумуш-кўрғошин конлари нақадар катта хўжалик аҳамиятига эга бўлганини тушуниш учун ўша вақтларда кумушни жуда кўп ишлатган Шарқий Европада биронта ҳам кумуш-кўрғошин кони бўлмаганини эслаб ўтиш етарлидир. Шарқий Европада асосан Ўрта Осиёдан, яъни сомонийлар давлатининг турли вилоят ва туманларидан олиб борилган кумуш ишлатилган, бу кумушнинг деярли ҳаммаси жуда машхур бўлган, у сомонийлар дирҳами шаклида танга ҳолида юборилган.

Темир қазиб чиқариш Мовароуннахрда катта хўжалик аҳамиятига эга бўлган. Ибн Хавқал Усрушондаги икки жойни – Минк ва Марсмандани кўрсатиб ўтади. Буларнинг атрофида катта миқдорда темир рудаси қазиб чиқарилган. Руданинг бир қисми шу ернинг ўзида эритилган ва ишланган, бошқа бир қисми эса Фарғонага юборилган. Чунки, Фарғонада металл эритадиган ва турли хунармандчилик буюмлари ишлаб чиқарадиган хунармандчилик корхоналарининг бир нечта марказлари бўлган. Минк ва Марсмандада тайёрланган хилма-хил металл буюмлар Хуросонда кенг тарқалар, Бағдод ва Эронгача етиб борар эди. Ибн Хавқалнинг сўзларига қараганда, Марсмандада ҳар ойнинг бошида бир кунлик ярмарка очилиб, бу ярмарка жуда машхур бўлган ва унга ҳатто жуда узоқ бўлган жойлардан ҳам одамлар келиб турган. Марсманда ярмаркаси тўғрисида “Худуд-ал олам” асари муаллифи ҳам айтиб ўтади. Лекин у бу ярмарка йилда бир марта бўлиб, бир кун давом этади, дейди. Бироқ шундай бўлсада, ярмарканинг савдо айланмаси юз минг диноргача етиб борган³.

Фарғона водийсида, хусусан Ахсикат, Новкатда олтин, кумуш, Юқори Нисода тошпахта (асбест), катрон, кумуш, олтин, феруза, темир, мис, кўрғошин, Исфара тоғларида тошкўмир, қора, кизил, сариқ ранглардаги талк (слюда), Сўх яқинида симоб,

¹ История Ташкента. Том 1. – Т.: “Фан”, 1968. – С. 134-135.

² Ртвеладзе Э.В. Ўрта Осиёнинг қадимги тангалари. – Т.: “Фан”, 1987. – Б. 92-93.

³ Ўзбекистон ССР тарихи. I том. Биринчи китоб. – Б. 220-221.

Ўзганда новшадил конлари ишлаб турган. Шунингдек, Фарғонада бу вақтда туз, нефт каби қимматли хом ашёлар ҳам қазиб олинган. Туз конлари Илокда (Оҳангарон водийси) ҳам бўлган. Темир, олтин, мис, кумуш, новшадил, купорос, ақиқнинг йўл-йўл тури, туз конлари Усрушонда (Шош, Фарғона, Чағаниён, Самарқанд вилоятлари билан ўралган макон) ҳам ишлаб турган. Минтақанинг бошқа ерларида (Хуросон, Бадахшон ва хоказо) ҳам ёқут, заҳармухра, олтин, кумуш, лаъл, туз, тошпахта, феруза, мрамор, олтингугурт, маргимуш, агат конлари мавжуд эди. Археологик қазилар шуни кўрсатадики, қончилик технологияси ўз даври учун юқори даражада бўлган¹.

X асрда Фарғонадан чет мамлакатларга қурул-яроғлар, мис ва темирдан ишланган турли-туман буюмлар чиқарилган. Бу металллар юқорида кўрсатиб ўтилган конлардан қазиб олинган. Фарғонада нефт бўлганлиги ҳақида бир қатор манбалар маълумот беради. Ваҳоланки, X асрда ҳам, ундан аввалги вақтларда ҳам, яъни Ўрта Осиё аббосий халифалиги таркибида бўлган вақтларда ҳам ҳарбий ишларда нефтдан кенг фойдаланилган. Махсус сопол идишларга нефт тўлдирилиб, улар шаҳар қамал қилинган вақтда махсус ирғитувчи машиналар билан душманга қарата отилган. Қамал қилинган шаҳарни қуйдириш учун ёниб турган нефтни ирғитиш техникаси Ўрта Осиёдан ҳатто кўчманчи халқларга ҳам ўтган.

Юқорида тилга олинган соҳаларни юзага чиқарадиган муҳим фаолият – савдо-сотиқ хусусида тўхталадиган бўлсак, бу соҳа бу даврларда жуда тараққий этган. Сомонийлар давридаги пул муомаласининг ўзига хос томонлари бор эди. Муомалада олтин тангалар, исмоилий, муҳаммадий, ғитрифий, мусаййабий, хоразмий дирҳамлари бўлган. Шу ўринда Истахрийнинг қуйидаги гувоҳлиги эътиборга молик: “Самарқандда муомалада олтин танга ва исмоилий дирҳами юради. Яна бир пул бирлиги борки, уни муҳаммадий дейдилар. Бу пул Самарқанддан бошқа ҳеч ерда муомалада юрмайди”. Бошқача айтганда, исмоилий дирҳами салтанат ва халқаро миқёсдаги қаттиқ валюта ролини ўйнаган. Муҳаммадий, ғитрифий ва бошқалар эса маҳаллий аҳамият касб этган. Масалан, ғитрифий кумуш тангалари, асосан Бухоро доирасида муомалада бўлган².

Авалло, ўлка савдогарлари шу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан минтақа аҳли эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун ҳам савдо-сотиқ гуркираб ривожланган, кўплаб бозорлар бунёд этилган, бориб-бориб расталар ва бозорларни маълум бир йўналишда ихтисослаштириш йўлига ўтилган. Айниқса, марказий шаҳарларда кўтарасига савдо кенг йўлга қўйилган. Масалан манбада шундай ёзилади: “Мовароуннахрнинг (энг асосий) бозори ҳар қаёқдан савдогарлар оқиб келадиган жойи бу Самарқанддир. Мовароуннахрда ишлаб чиқариладиган аксарият маҳсулотлар аввал Самарқандга олиб келинади, кейин эса бу ердан бошқа вилоятларга олиб кетилади”. Худди шу каби таърифни Бухоро, Пойкент, Бинкат, Хўжанд, Термиз, Урганч, Кот каби шаҳарларга нисбатан ҳам қўлласа бўлади. Савдо-сотиқнинг бундай ривожланишига нафақат ишлаб чиқаришдаги, балки ички ва ташқи савдони ташкил этишдаги ҳаракатларнинг таъсири ҳам катта эди. Чунки карвонсаройлар тизими, йўл хавфсизлиги ва орасталигисиз, адолатли солиқ тизимини таъминламай туриб савдо-сотиқ тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас. Энг аввало, бундан давлат манфаатдор бўлган.

X асрда Мовароуннахрдан олиб чиқиб кетилган ё бўлмаса юртимизга олиб келинган маҳсулотлар ҳақида манбаларда кўплаб маълумотлар келтирилган. Уларнинг барчасини санаб ўтirmay, энг асосийлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Масалан, Хитойга шишасозлик буюмлари, ойна, арғумоқ отлар, баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатирилган. У ердан эса ипак ва ипак матолар келтирилган. Европа мамлакатларига жун, ипак матолар, қуритилган мевалар, шоли, кумуш буюмлар, тангалар кўплаб олиб кетилган, у ерлардан эса асосан мўйна, чарм кабилар олиб келиб сотилган.

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Б. 98.

² Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 114-115.

Европаликлар айниқса Ўрта Осиёда ишлаб чиқарилган кумуш буюмлар ва тангаларга ишқибоз бўлганлар. Сабаби бу вақтда Европада кумуш конлари тўғрисида ҳаёл ҳам қилмаганлар. Шу жиҳатдан кумуш борасида минтақамизга боғланиб қолгандилар. Бу боғлиқлик шу даражада бўлганки, археологлар Скандинавия ўлкаларида текшириш ишлари олиб борганларида Тошкент вилоятида ўша даврларда қазиб олинган кумушдан ишланган тангаларни кўплаб топганлар¹. Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари кўпроқ Ўрта Осиё хунармандлари ишлаб чиқарган курул-аслаҳаларга, темирчилик маҳсулотларига ўч бўлганлар.

Сомонийлар даврида Мовароуннахрнинг хўжалик ҳаётида Хоразм жуда катта роль ўйнаган. Манбаларда Хоразмдан четга чиқарилган қуйидаги маҳсулотларнинг рўйхати келтирилган: “Хоразмдан четга чиқарилган нарсалар – соболь, оксичқон, сассикқўзан, латча, савсар, тулки, куён ва эчки мўйналари, шунингдек, шамлар, камон ўқлари, оқ терак пўстлоғи, баланд қалпоқлар, балиқ елими, балиқ тиши, канакунжут мойи, анбар, ишланган от териси, асал, ёнғоқ, мағиз, лочинлар, совутлар, қайин пўстлоғи, славян куллари, қўйлар ва сигирлар – буларнинг ҳаммаси болгарлардан олинган”².

Бундан ташқари Хоразмда куруқ мевалар, ширинликлар, йўлли мовутлар, гиламлар, тортиқ қилинадиган пардалар, кулфлар, аранж матоси, фақат кучли одамларгина тортиб ота оладиган камонлар, рахбин (пишлоқнинг бир тури), зардоб, балиқлар сотиб олиш мумкин бўлган. Юқорида келтирилган товарлар рўйхатидан кўриниб турибдики, Хоразмда транзит савдо катта роль ўйнаган. Бу савдо сомонийлар даврида Ўрта Осиё билан булғорлар ва хазарлар ўртасида алоқа боғлаган. Маҳаллий ишлаб чиқариш ҳақида гап кетганда, манбаларда Хоразм камонлари, қайиқлари тўғрисида бот-бот маълумотлар тилга олинади. Амударё этакларида тутиладиган ва тузланган ҳолда мамлакатнинг бошқа вилоятларига чиқариладиган катта миқдордаги балиқлар тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

IX-X асрлардаги Ўрта Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги юксалишларнинг омиллари ҳақида фикр юритганда шуни аввало қайд қилиш лозимки, бунёдкорлик ва яратувчилик маҳорати бу ўлка халқининг қон-қонига сингиб кетган қадрият эди. Ўрта Осиё аҳолиси жуда қадим замонларданоқ бу ҳудудларда ўтроқ ҳаёт кечириб деҳқончилик билан шуғулланганлар. Аксарият вилоятларда деҳқончиликнинг суғоришга асосланганлиги турли қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш имконини берган. Айни вақтда мамлакатимиз аҳолиси деҳқончилик ишлаб чиқаришида миришкор бўлганлар.

Қишлоқ хўжалигида турли экинлар етиштириш, унинг бир қатор соҳаларида маҳорат билан турли-туман экинлар етиштириш Ўрта Осиёда жуда қадимданоқ тараққий этиб келгани манбалардан маълум. Аجدодларимиз бу анъаналарни асраб-авайлаб, ардоқлаб авлоддан-авлодга ўтказиб, бу борадаги юксак тажрибаларини тобора такомиллаштириб келганлар.

Сомонийлар давридаги юксак тараққиёт омилларидан яна бири – бу сулола вакиллариининг иқтисодий ҳаётни жонлантириш ва юксалтириш учун қулай шарт-шароитлар яратишлари билан белгиланади. Сомонийлар давлати ҳукмдорлари мавжуд имкониятларни эътиборга олган ҳолда хўжаликнинг ривожини учун имкон қадар ҳаракат қилганлар ва бундан келиб чиқиб зарур тадбирлар белгиланган. Бу тадбирлар жумласига деҳқончилик учун зарур бўлган янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва бу ерларга суғориш тизимларининг барпо этилиши киради. Мавжуд манбаларда келтирилишича, IX-X асрларда Мовароуннахрнинг деҳқончиликка ихтисослашган қатор вилоятларида катта миқдордаги янги ерлар ўзлаштирилиб, бу ерларда суғориш тармоқлари – каналлар, ариқлар қазилган, тўғонлар қурилган. Ўлканинг деҳқончилик

¹ Қаранг Янин В.И. Денежно-весовые системы русского средневековья. – Москва: 1966.

² Ўзбекистон ССР тарихи. I том. Биринчи китоб. – Б. 222.

билан шуғулланувчи аҳолиси ҳам ўз меҳнатлари самарасидан манфаатдор бўлганлар. Чунончи, мамлакатда етиштирилган ғалла экинлари, боғдорчилик ва полиз маҳсулотларига қўшни мамлакатларда жуда катта эҳтиёж бўлган. Бу маҳсулотлар яқин ва узоқ давлатларда жуда кадрланган. Шу сабабли ҳам бу маҳсулотлар бошқа давлатларга олиб бориб сотилган. Айни вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дашт ва чўл зоналарида яшайдиган кўчманчи чорвадор халқларга ҳам чиқарилган, улар чорва хайвонлварига ва чорвачилик маҳсулотларига айирбошланган.

Ўрта Осиёда деҳқончиликнинг тараққий этиши ўз навбатида хунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдо-сотиқнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Юқорида кўриб ўтилганидек, Мовароуннахрнинг қатор вилоятларида шаҳар аҳолиси ва айни вақтда қишлоқлар аҳолиси ҳам хунармандчилик ишлаб чиқариши билан машғул бўлган. Хунармандчиликнинг ривожланишига биринчи навбатда деҳқончилик тараққиёти таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи бир томондан Мовароуннахр шаҳар ва қишлоқларида тайёрланган хунармандчилик маҳсулотларига қўшни мамлакатларда ҳам жуда катта талаб бўлган. Буни юқорида қатор мисоллар орқали кўриб ўтдик. Табиий равишда, сомоний ҳукмдорлари маҳаллий хунармандлар фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратганлар. Бу шароитлар жумласига хунармандларга имтиёзли солиқлар белгилаш, уларнинг ўз маҳсулотларини маҳаллий бозорларда сотишлари ва қўшни мамлакатларга чиқаришлари учун шароитлар яратишлар киради.

Ўрта Осиёда деҳқончилик ва хунармандчиликнинг ривожланиши ўз навбатида савдо-сотиқнинг ривожланишига ва шаҳарларнинг янада кенгайиб, ободлашиб боришига ижобий таъсир кўрсатди. Айниқса, биз кўриб ўтаётган даврда савдо ишлари нихоятда гуркираб ривожландики, савдо-сотиқнинг кўлами ва миқёсини кейинги саҳифаларда таҳлил қилиб ўтамыз.

Хуллас, сомонийлар даврида савдо-сотиқдаги анъанавий юксак савия сақланиб қолган ва унга ўзига хос янгиликлар киритилган. Масалан, ҳозирда ҳамманинг оғзида бўлган чек тизими дастлаб ўша узоқ замонлардаёқ жорий қилинган эди. Чек тушунчаси аслида европаликларга Ўрта Осиё орқали кириб борган бўлиб, савдогарлар йирик савдо тадбирларини амалга ошираётганларида ёнларида катта маблағни олиб юрмасдан ҳар бир шаҳарда мавжуд ишончли саррофларга (пул майдалаб берувчилар, пул алмаштирувчилар) нақд пул топшириб, шу ҳақда ҳужжат, яъни чек олганлар. Мўлжалдаги шаҳарларга бориб, худда шундай саррофларга ёки йирик савдогарларларга чекни кўрсатиб ўз режаларини амалга оширганлар¹.

Савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб бориши яна бир муҳим фаолият – қурувчилик, меъморчиликда ҳам катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Шаҳарлар кенгайди, мухташам бинолар, ораста бозорлар, масжид-мадрасалар, ҳаммомлар, устахоналар, дўконлар ва бошқа қатор иморатлар бунёд этилди. Бунда қурувчиликка алоқадор турли касбдаги усталар иштирок этиб, ўз маҳоратларини оширганлар. Буни биз Бухоро, Самарқанд, Термиз каби қатор қадимий шаҳарлар мисолида кўришимиз мумкин.

Юқорида санаб ўтилганларнинг ҳаммаси сомонийлар давридаги Мовароуннахрнинг ишлаб чиқариш ҳаётининг манзарасини етарли даражада яққол тасвирлаб беради.

I.2. IX-X асрларда Ўрта Осиёда қарвон савдоси

Сомонийлар даврида Ўрта Осиёда ва айниқса Мовароуннахрда қарвон савдоси жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу қарвон савдоси Жанубий- Шарқий Европани Ўрта

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 100.

Осиё, шунингдек Эрон ва Кавказ орқали Мўғулистон ва Хитой билан боғлаган. Ўрта аср географлари карвон савдоси ўтган йўлларнинг батафсил маршрутларини, босиб ўтиладиган шаҳарлар рўйхатини, бир шаҳар ёки қишлоқдан иккинчи шаҳар ёки қишлоқча қанча фарсаҳ борлигини аниқ кўрсатиб, уларнинг тарихий топографияси ва улардан олиб кетиладиган товарларни аниқ тасвирлаганлар.

Агар қадим замонларда ва VII-IX асрларда аббосий ҳалифалари даврида карвон савдоси нуқул зеб-зийнат буюмлари, масалан энг яхши шоҳи ва ип-газлама матолари, кумуш ва бронзадан ясалган заргарлик буюмлари, энг яхши қурол-яроғлар ва шу каби товарлар билан савдо қилишга асосланган бўлса, тоҳирийлар даврида ва айниқса сомонийлар даврида (IX-X асрлар) товарлар рўйхатида энг зарур буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши учун зарур бўлган хом-ашёлар ҳам борган сари кўпроқ учрай бошлади. Масалан Булғордан келтириладиган товарлар рўйхатида тери, қайин дарахтининг пўстлоғи, қўйлар, сигирлар ва бошқа буюмлар бор, бу товарлар зеб-зийнат буюмлари қаторига кирмаслиги аниқ.

Олд Осиёни Мўғулистон ва Хитой билан боғлайдиган карвон йўли энг серқатнов йўл эди. Бу йўл аббосий ҳалифалиги давридаги каби Боғдоддан Ҳамадон, Нишопур, Марв, Омул (Чоржўй), Бухоро, Самарқанд, Шош (Тошкент), Тароз (Жамбул), Кулон, Марки, Болосоғун, Сиёб, Иссиққўлнинг жанубий қирғоғи ва сўнгра Шарқий Туркистон орқали Хитойга томон ўтган.

Ўрта Осиёдан Жануби-Шарқий Европага борадиган йўл жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Бу йўлнинг аниқ маршрутини ҳалифа Муқтодирнинг (908-932 йиллар) Булғор подшосига бораётган элчихонасининг котиби ва 922 йилдаги савдо карвонининг қатнашчиси Ибн Фадлан ёзиб қолдирган. Бу йўл ғалати бир йўл бўлган. Боғдоддан ҳамда Ироқнинг бошқа шаҳарларидан Булғор карвон йўли одатда Кавказ ва Ҳазар подшолиги орқали ўтар эди. Лекин ўша пайтларда ҳазарлар билан ҳалифалик ва булғорларнинг муносабати жуда ёмонлашиб кетади. Шунинг учун карвонларни Марв, Бухоро ва Хоразм орқали, яъни Ўрта Осиё йўлидан юборишга тўғри келди. Ибн Фадлон бундай деб ёзади: “Биз Бухородан Жайхунга (Амударёга) қараб жўнадик кейин дарё билан Хоразмга, сўнгра Урганжгача бордик, бу ердан турклар мамлакатининг дарвозаси ҳисобланган Занжон томон йўл олдик, сўнгра Эмба, Ёйиқ (Урал), Самара Кинель, Черемшонъ дарёларидан ўтиб, Булғорга етиб олдик”.¹ Шу тариқа карвон йўли Ҳазар подшолигини четлаб, Волганинг чап қирғоғи бўйлаб, дарёдан анча узоқ масофада ўтган.

Хоразмнинг ўзига келганда, у сомонийлар даврида Ҳазар подшолигининг Итил ва бошқа пунктлари билан доимий савдо алоқаларини ва мустаҳкам маданий алоқаларини боғлаб турар эди. X асрнинг бошларида Ибн Фадлон босиб ўтган бу йўлда шу асрнинг охирида ва келгуси асрнинг бошларида кесилган тошлардан қилинган ва четига тош терилиб ишланган қудуқлари бўлган ҳашаматли карвонсаройлар қурилган эди. Уларнинг бир-бирлари ўртасидаги масофа тахминан 25 км эди, яъни карвоннинг бемалол юришини таъминлар эди. Энди X асрнинг бошларига қараганда Хоразмдан Итилга, Ҳазар подшолигига борадиган йўл анча яхшиланди ва ўша замон тушунчаси нуқтаи назаридан обод йўл бўлиб қолди.

Карвон савдоси қандай ташкил қилинган, унинг ҳажми ва у кимларнинг қўлида бўлган, деган ҳақли савол туғилиши шубҳасиз. Аввало шуни унутмаслик керакки, ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида савдогарнинг бирор халққа мансуб эканлигини жуда камдан-кам фарқига борар эдилар. Қайси савдогарлар – турклар, араблар, форслар, тожиклар ёки хоразмликлар – у ёки бу савдо битимларида қатнашганлигини ҳамма вақт ҳам айтиб бериш мушкул. Манбаларда савдогарлар кўпинча “Мусулмон савдогарлари” деб аталади.

Савдогарлар карвон савдосини якка ҳолда олиб бора олмас эдилар, албатта. Чунки энг кичик карвонни ташкил қилиш учун кетадиган харажатларга ҳатто энг бой

¹ Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 47.

савдогарнинг ҳам қурби етмас эди. Ўтмиш замонлардагидек, савдогарлар маълум савдо компанияларига бирлашган эдилар. Бу савдо компаниялари карвон савдоси йўли билан савдо операцияларини олиб боришни ўзига мақсад қилиб қўйган эди¹.

Х асрдаги савдо операцияларида чеклар жуда кўп қўлланилар эди. Ўша вақтда ўзи билан жуда кўп пул олиб юришга ҳеч қандай зарурият йўқ эди. Пулни бирор шаҳарда коммерция ишончига сазовор бўлган саррофларнинг бирига топшириб, ундан тегишли хужжат - чек олиш, белгиланган жойга борганда уни кўрсатиб, топширилган пулнинг ҳаммасини қайтариб олиш мумкин эди. Сомонийлар даври тарихини ёзган араб тарихшуноси Абу Шужо бундай ёзади: “карвон савдоси билан шуғулланган бой савдогарлар маблағлари мусулмонлар дунёсининг шарқий қисмида энг кучли ҳокимларнинг ҳазинасига тушадиган ҳирожга қараганда ҳисобга тезроқ олинар эди”.²

Х асрда карвон савдоси асосан айирбошлаш йўли билан олиб борилган. Пул фақат ҳисоб-китоб бирлиги бўлиб хизмат қилган. Савдогарлар ўз молларини маълум суммага баҳолаш эдилар. Ҳисоб – китоб қилиш вақтида баҳоларда бўлган тафовутни мол билан қоплашга ҳаракат қилар эдилар. Лекин ўзаро ҳисоб-китоб қилишнинг характери олди-сотди бўлаётган жойга боғлиқ эди. Масалан, Хитойда мусулмон савдогарларидан кумуш пул қабул қилмас эдилар, шу боис мусулмон савдогарлари билан хитойликлар ўртасидаги савдо айирбошлаш характериға эға бўлган. Шунинг учун ҳам Хитойда ва унга яқин жойлашган Ўрта Осиё вилоятларида археологик қазилар давомида топилган ашёлар ичида сомонийлар ва уларнинг ўтмишдошларининг кумуш дирҳамлари умуман учрамайди. Шарқий Европада эса аҳвол бутунлай бошқача эди. Бу ерда дирҳамлар пул сифатида ҳам хизмат қилган.

Кенгайиб бораётган карвон савдосига қилинадиган хизмат ҳам тобора мураккаблашиб борган. Карвон ўтадиган шаҳар ва қишлоқларда карвонсаройлар қурилган эди. Уларда савдогарлар ва карвон билан бирга юрган кишилар учун хужралар ҳамда туялар, отлар, хачирлар ва эшаклар учун отхоналар, зарур ем-хашак, озиқ-овқат бўлар эди.

Карвонсаройлар, айниқса серкатнов оралик бекатлардаги карвонсаройлар савдогарларни қизиқтирган товарларни улгуржи, яъни кўтарасига сотиб оладиган ва сотадиган, энг муҳими эса, сўнгги коммерция янгиликларини, товарларнинг баҳоларини даставвал билиб оладиган жой бўлиб қолади. Карвонсаройларга эғалик қилиш маълум бир кишиларга жуда фойдали иш эди. Шунга кўра фақат савдогарларгина эмас, балки йирик ер эғалари ҳам карвонсаройга эға бўлиш учун ҳаракат қилар эдилар.

Маҳаллий жой ва ҳудудга қараб туялар ва отлар карвон савдосининг юк ҳайвони вазифасини бажарган. Товарларни ташиб берадиган, яъни карвон транспортини ташкил қиладиган махсус савдогарлар ёки ҳатто компаниялар ҳам бўлган. Юк ҳайвонларига, уларга бириктириб қўйилган хизматчилар, шу жумладан йўл бошловчилар ҳам қараган. Карвонларни кўриқлаб боровчи махсус қуролли соқчилар отряди ҳам бўлган. Баъзи вақтларда бундай кўриқчи отрядларнинг сони 2-3 минг кишигача бўлган.

Карвонларда кўпинча таржимонлар ҳам бўлган, бу таржимонлар аҳолиси бошқа тилда гаплашадиган, бошқа дин ва урф-одатда бўлган мамлакатларда жуда керак бўлар эди. Ибн Худодбех рус савдогарининг маршрутини тасвирлаб, улар хазарлар пойтахтида кемаларга тушадилар, Каспий денгизини бўйига кесиб ўтиб, Журжонга қараб йўл оладилар, деб ёзган эди. “Улар, - деб давом этади Ибн Хурдодбех, - кўпинча

¹ Сагдуллаев А.С., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: “Академия”, 2000. – Б. 88-89.

² Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том. Биринчи китоб. 223-224-бетлар.

ўз товарларини Журжондан Бағдодгача туяларда олиб борадилар, уларнинг славян хизматкорлари тилмоч бўлиб хизмат қилганлар”¹.

Кўрилаётган даврда карвонларга фақат савдо уюшмаси деб қарамаганлар. Карвон таркибида савдогарлардан ташқари ҳунармандлар, олимлар, рассомлар, санъаткорлар, усталар, сайёҳлар ва элчилар ҳам бўларди. Савдо карвонларига одатда элчилик топшириқлари ҳам бериларди².

Лекин ҳамма карвон йўлларида ҳам, карвон учун зарур бўлган юк ҳайвонларини, йўл бошловчиларни, карвонга қарайдиган кишиларни, жиҳозланган тўхташ жойларини ва шу кабиларни топиш қийин эди. Х асрнинг тартибларини ёзиб қолдирган Гардизий Урганчдан печенеглар мамлакатига борадиган йўлни тасвирлаб, бундай ёзади: “печенеглар мамлакатига йўллар жуда оғир ва машаққатли йўللardир. У ердан бирон мамлакатга бормоқчи бўлган киши отлар сотиб олиши керак, чунки йўллар ёмон бўлганлигидан уларнинг ерларидан фақат отга миниб чиқиб кетиш мумкин. У ёққа борадиган савдогарлар йўлга ҳеч риоя қилмайдилар, чунки ҳамма йўлларни дарахт босиб ўрмон бўлиб кетган, улар йўлни юлдузларга қараб топадилар”³.

Карвонларнинг катта-кичиклиги бир неча ўндан тортиб, то бир неча минг юк ҳайвонигача борар эди. 922 йилда ҳалифа Муқтадирдан булғор подшосига юборилган карвон бу даврдаги энг катта карвонлардан бири бўлган. Бу карвонда 3 мингта туя ва от, ҳамда 5 минг киши бор эди. Бундай карвонлар савдо жиҳатидангина эмас, балки сиёсий жиҳатдан ҳам катта воқеа эди. Узоқ масофаларга борадиган карвонлар одатда икки-уч юз туя ёки отлардан, тахминан шунча кишидан иборат бўлар эди. Карвонни фақат савдо уюшмаси деб қараш нотўғри бўлар эди. Карвон таркибига савдогарлар, соқчилар, карвонга қарайдиган кишиларгина эмас, балки ҳокимларнинг буйруғи билан ёки ўз ҳокимларига янги жойга борадиган ҳунармандлар, шунингдек, олимлар, рассомлар, усталар, сайёҳлар, дипломатик миссиялар ҳам кирар эди. Шу билан бирга савдогарларга кўпинча дипломатик топшириқлар ҳам берилар эди.

Масалан, 922 йилда Ибн Фадлон билан жўнаган карвон фақат савдо мақсадидагина эмас, балки дипломатик, ҳарбий-техника ва диний вазифаларни ҳам бажарган. Бу карвон ҳалифа Муқтадирдан булғор подшосига юборилган бутун бир элчихона эди. Ҳалифанинг элчиси қилиб Сусон ар-Рассий деган бир киши юборилган. Элчихона таркибида Тоқик ат-Туркий, Барис ас-Сақлабий, яъни славян бўлган ва элчихонанинг котиби сифатида ўз саёҳатлари тўғрисида ўзининг ёзма хотираларини қолдирган Аҳмад ибн Фадлон бўлган.

Савдогарлар Хитойдан Ўрта ва Олд Осиёга нима олиб борганлиги ҳам қизиқарли, албатта. Илгари замонлардагидек бу йўл асосан “Ипак йўли” бўлиб қолган эди. Ипак Хитой экспортининг асосий товари эди. Гардизий, “Уларнинг (яъни уйғур подшоҳларининг) кийими Хитой кимҳоблари ва шоҳиларидан тикилган, халқнинг кийими ипак ва ип газламадан тикилган” деб ёзади. Буни шоҳининг оддий навлари ип газламадан қиммат бўлмаган деган маънода тушуниш мумкин. Карвон савдоси йўли билан Хитойдан олиб кетиладиган хитой газламаларининг нави жуда хилма-хил бўлиб, улар орасида арзон газламалардан тортиб, то олтин ва кумуш билан безатилган кимҳобларгача бўлган.

Шоҳига айирбошлаш учун Хитойга Ўрта Осиёдан илгариги вақтлардагидек ойна юборилар эди. Бу ойнанинг сифати жуда яхши бўлганлигидан у Хитойда жуда қадрланар эди. Чет эллардаги музейларда Самарқандда ишланган ойналарнинг кўпгина

¹ Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков А.А. Средневековый город Средней Азии. – Москва: 1973. – С. 123.

² Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tapixi. Birinchi kitob (to'ldirilgan, qayta ishlangan ikkinchi nashri). – Т.: “Sharq”, 2010. – Б. 176.

³ Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1994. – Б. 46.

намуналари сақланадики, булар ўша даврдаги шишасозлик техникаси қай даражада бўлганлигидан далолат беради. Қадим замонларда ва Ўрта асрларда ойна Шарқда кейинги вақтларга қараганда анча қиммат турар эди ва зеб-зийнат буюми деб ҳисобланар эди. Ипак ва ойна товар айирбошланишнинг асосий шакли бўлса ҳам, лекин булар айирбошланишнинг бирдан-бир товари эмас эди. Ўрта Осиёдан ўтган даврлардагидек Хитойга отлар олиб борилганлигини эслатиб ўтиш кифоядир, бу ҳол то теурийлар давригача, хусусан, Улуғбек хукмронлиги давригача давом этган.

Шарқий Европа билан олиб борилган карвон савдоси сомонийлар давлатининг товар айланмасида жуда катта ўрин тутган. IX-X асрлар географик адабиёти туфайли биз бу карвон савдоси тўғрисида етарли даражада аниқ маълумотга эгамиз. Ўрта Осиё вилоятларидан Хоразм бу карвон савдосида жуда кўп иштирок қилган. Бу карвон савдоси бир томондан хазарлар билан, иккинчи томондан эса, булғорлар билан олиб борилган. Ўша даврда Волга бўйича иккита йирик бозор-иккита пойтахт Итиль билан Булғор бўлган. Итиль X асрда йирик савдо шаҳри бўлган. Манбаларда қайд қилинишича, Итилнинг узунлиги ва кенглиги бир фарсах эди. Итиль Волга тармоқларидан бирининг икки қирғоғида, шунингдек, икки қирғоқ ўртасидаги оролда жойлашган. Шаҳар икки қисмдан иборат бўлган. Шаҳарнинг ғарбий қисми Итиль деб аталиб, у давлатнинг маъмурий маркази бўлган. Шаҳарнинг шарқий қисми Хазорон деб аталган ва у савдо маркази бўлган. Шаҳарнинг ҳар иккала қисми ҳам девор билан ўралган эди. Хазорон аҳолисининг кўпчилиги қисми хоразмлик мусулмонлардан иборат эди. Улар орасида савдогарлар, хунармандлар ва турли ҳил қора иш билан шуғулланадиган кишилар бор эди. Хазоронда 10 минг мусулмон яшаган ва 30 та масжид бўлган¹.

Волгабўйининг Ўрта Осиё билан ва хусусан, Хоразм билан олиб борган карвон савдосида Итиль – Хазорон билан бир қаторда Булғор ҳам жуда катта аҳамиятга эга эди. Европанинг шимоли-шарқида у мўйна, мум, асал каби товарлар, шунингдек, қуллар сотиладиган асосий бозор бўлган. Булғор бозорларидаги муомалада сомонийлар давлатининг турли жойларидан, асосан Ўрта Осиёдан мусулмон савдогарлари олиб келган кумуш дирҳамлари жуда кўп миқдорда ишлатилган. X аср бошларидаги араб географи Ибн Рустанинг маълумотига қараганда, “думалоқ оқ дирҳамлар мусулмон мамлакатларидан келиб, товарлар айирбошлаш йўли билан булғорлар қўлига тушади”. XI асрдаги форс тарихшуноси Гардизий Ибн Рустанинг матнларидан фойдаланиб, Шимоли – Шарқий Европа билан олиб борилган савдони тасвирлаб бундай ёзади: “Улар (мусулмон савдогарлари) бу дирҳамларни русларга ва славянларга берадилар, чунки улар зарб қилинган дирҳамлардан бошқа нарсага ўз маҳсулотларини сотмас эдилар”².

Сомонийлар давлати билан Шарқий Европа ўртасида қандай маҳсулотлар айирбошлангани ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин. Юқорида биз Шарқий Европадан Хоразмга олиб бориладиган товарлар рўйхатини келтириб ўтдик. Бу товарлар даставвал мўйнали ҳайвонлар – қундуз, тулки кабиларнинг териси эди. Шарқий Европадан жуда кўп миқдорда тери, тери ошлаш учун зарур бўлган пўстлок, ҳайвонлар ва ниҳоят қуллар олиб кетилар эди. Булғор ва Итиль чинакам қуллар бозори бўлган. Бу ерда славян ва турк асирларини сотиб олиш ва турли маҳсулотларга айирбошлаш мумкин эди.

Ўрта Осиёдан Итилга ва Булғорга асосан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб бориб сотилган. Масалан, хазарларнинг асосий овқати гуруч ва балиқ бўлиб, бу вақтларда Волгабўйида гуруч умуман етиштирилмаган. Гуруч асосан Ўрта Осиё вилоятларидан кўп миқдорда олиб борилган. Шунингдек, Итиль ва Булғорга Ўрта Осиёдан жуда кўп миқдорда қурилган мевалар олиб борилган. Шарқий Европа билан олиб бориладиган савдода Ўрта Осиё ип газламалари, жун газламалари ва ипак газламалари жуда катта

¹ Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. – Душанбе: 1989. – С. 142.

² Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Б. 103.

ўрин тутан эди. Лекин, энг асосий, жуда бозори чаққон товар – бу кумуш дирҳамлар бўлган. Бу далилни X асрнинг деярли ҳамма тарихчи ва географ муаллифлари ёзиб қолдирганлар.

Умуман, IX-X асрларда Ўрта Осиёда қарвон савдоси ниҳоят даражада ривож топган бўлиб, бу қарвон савдоси халқаро аҳамият касб этган. Қарвон савдосида Мовароуннаҳрлик мусулмон савдогарлари етакчи мавқени эгаллаганлар.

1.3. Мовароуннаҳр шаҳарлари таракқиёти

Ўрта Осиё халқлари араблар босқини натижасида ўз бошларидан оғир азоб-уқубатларни кечирдилар. Шу билан бирга араблар истилоси босиб олинган мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда қисман ижобий аҳамиятга эга ҳам бўлди. Ўрта Осиё ҳалифалик таркибига кириб, Олд Осиё мамлакатлари билан унинг хўжалик ва савдо ҳаёти билан мустақкам алоқада бўлди. Олд Осиё билан савдо муносабатларининг кучайишидан ташқари, Ўрта Осиёнинг деҳқончилик воҳалари билан кўчманчи дашт ўртасида товар айирбошлаш ҳам бирмунча кучайиб, бу ўзаро айирбошлаш кўпгина шаҳар ва қишлоқларни ўз ичига олди ва уларнинг ривожланишига, бойлигининг маълум даражада ўсишига ёрдам берди. Шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолиси ўртасида махсулот айирбошлаш ҳам бирмунча, айтиш мумкинки, сезиларли даражада кучайди. Бу ҳол ўз навбатида шаҳарнинг қишлоқдан янада ажралиб кетишига, шаҳарларнинг ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ва савдо-сотик алоқаларининг бош ва асосий марказига айланишига ёрдам берди¹.

Илк феодал шаҳарларининг янада ривожланиши, шаҳар ҳаётининг кучайиб бориши, уларнинг сиёсий ва иқтисодий аҳамиятининг ортиб бориши, шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши шаҳарнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг шаҳардан четга ҳам чиқиши билан характерланади. Буларнинг ҳаммаси шаҳарларнинг топографик қиёфасини ҳам ўзгартириб юборди.

Самарқанд шаҳар атрофининг кенгайиши билан бирга жанубий роботда ҳам аста-секин ҳунармандчилик – савдо ишлари ривожланиб борди, лекин шаҳристон ҳудуди (кўҳна Афросиёб шаҳри) узоқ вақтларгача то XIII асрда мўғуллар томонидан Ўрта Осиё босиб олинганига қадар маъмурий марказ ва шаҳарнинг аҳоли яшайдиган қисми бўлиб қолди.

Марвда шаҳар ҳаётининг маркази аста-секин шаҳристондан (кўҳна Қофирқалъа шаҳридан) ғарбий районга кўча бошлади. Бу раббат ҳудудида VIII асрдаёқ янги шаҳар пайдо бўла бошлади ва у аста-секин катта шаҳар бўлиб (кўҳна Султонқалъа) ташкил топди. Марв шаҳристони эса аста-секин сўниб бормокда эди, мўғуллар истилоси даврига келиб, шаҳристон деярли бутунлай ташлаб кетилган эди ва унда ҳаёт белгилари сақланиб қолган бўлса ҳам, фақат шаҳар атрофи сифатида сақланиб қолган эди. Бунинг асосий сабаби шундаки мўғуллар истилоси даврида кўпгина шаҳарлар вайрон қилинган, аҳолиси қириб юборилган ёки асир қилиб бошқа ҳудудларга олиб кетилган эди. Шу билан бирга, мўғуллар истилоси даврида Ўрта Осиёнинг асосий шаҳарларида ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдо-сотик таназзулга учраган, бу жиҳатлар билан кўзга ташланувчи шаҳар ҳаёти тугатилган эди. Шунинг учун ҳам, мўғуллар ҳукмронлиги даврида жамият ҳаётидаги ўзига хос кўринишлар бошқа бир ҳудудда янги шаҳарларнинг пайдо бўлишига ва ривожланишига замин тайёрлади².

Бухоро шаҳри ҳақида гапирганда эса, Бухорода шаҳристон ташлаб кетилмаган ва бу ерда шаҳар ҳаёти ҳамиша сўнмаган. Бухоро шаҳристони аста-секин янги феодал шаҳарнинг бимр қисмига айланиб боради. Унинг ҳудудида бозорнинг бир қисми, бир

¹ Сагдуллаев А., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият таракқиёти. – Т.: “Академия”, 2000. – Б. 127.

² Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2012. – Б. 253.

қанча савдо ва ҳунармандчилик гузарлари, масжидлар, карвонсаройлар, шаҳардаги энг бой кишиларнинг хусусий уйлари жойлашган. Географияга оид адабиётларда у шаҳарнинг ички ва энг эски қисми деб аталади. VIII аср бошларида Бухородаги энг катта бозор шаҳар атрофидаги работда – “Атторон дарвозасидан” ёки “бозор дарвозасидан” чиқиб жанубга бурилиш биланоқ жойлашган эди. Тарихчи Наршахийнинг ёзишича, халифа Мансур даврида бозор ҳудудларида мингта дўкон бўлган¹.

Ҳунармандчилик, савдо расталари ва гузарлари бўлган бозор ҳаёти шаҳристондан жанубий, жанубий-ғарбий ва жанубий-шарқий томонларга қараб ривожланиб борди. Шаҳристоннинг ғарбида ёки, аниқроғи аркнинг ғарбида бўлган ва сомонийлар даврида Регистон деб аталган майдонда подшоҳ саройлари ва бошқа маъмурий бинолар жойлашган эди. Араб истилосининг биринчи йилларидаёқ савдогар – оташпарастилар шаҳристонни ва унга ёндашган жойларни ташлаб кетадилар ва шаҳристон ва аркдан шимоли-ғарбий томонда ўзлари учун қалъалар қуриб, анча катта майдонни эгаллайдилар, кейинчалик бу майдон шаҳар девори билан ўраб олинган.

VIII асрнинг ўрталарида Бухоро шаҳри шу даражада кенгайиб кетдики, шаҳарда янгидан девор қуришга зарурият пайдо бўлади. Бу девор ўша вақтда ички шаҳар бўлиб турган шаҳристон ва унинг работларини ўз ичига олади. Шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида “муғлар кўчаси” билан “деҳқонлар кўчаси” ўртасида жойлашган Харкон бозори бўлган. Шаҳристон билан кўхандиз ўртасида бўлган катта тўқимачилик устахонасини ҳам шаҳарнинг IX аср 20-30 йилларигача мавжуд бўлган муҳим пунктларидан бири сифатида билиш мумкин. Бу тўқимачилик устахонаси ва унинг фаолиятига доир Наршахий ўз асарида алоҳида бир бобда маълумот бериб ўтган. Бу устахонада Мовароуннаҳр ва унга қўшни бўлган мамлакатларда машхур бўлган ажойиб газламалар ишлаб чиқарилган. Наршахийнинг гувоҳлик беришича, аббосийлар даврида Бухорода олинадиган ўлпонни шу устахонада ишлаб чиқарган газламалар билан тўлаганлар.

Бухоро араблар томонидан эгалланганидан кейин, шаҳарга араблар олиб келиниб жойлаштирилади. Бухоро шаҳри араблар ҳокимиятининг марказига айлантирилади. Бухоро амири дастлаб Кўхандизда, бухорхудотлар саройида турган. Кўхандизда Қутайба ибн Муслим томонидан шаҳардаги биринчи масжид қурилади, яъни аниқроғи, оташпарастилик бутхонаси масжидга айлантирилади².

IX аср ўрталарига келиб Бухоро шаҳри шу даражада кенгайиб кетадики, 849-850 йилларда шаҳар, шу жумладан шаҳар работлари атрофида янгидан 11 та дарвозали девор қурилган эди. Бу дарвозаларнинг номлари ўша давр географик адабиётларида келтирилган.

Бу давр шаҳристон турмушининг ижтимоий-сиёсий тартиби ва унинг топографик характери аста-секин емирилмоқда эди. Бой деҳқонларнинг нуфузли табақалари аста-секин оғишмай йўқолиб боришга юз тутади. Бухоро шаҳристонининг деҳқонлари – яъни бой-зодагонлари ўз ерларини ва кўчмас мулкларнинг бошқа хилларини катта миқдорда сақлаб қолган бўлсалар-да, улар ўзларининг аввалги сиёсий мавқеларини ва аҳамиятларини йўқота бошлайдилар. Эндиликда Бухоро майда мулк эгалари маркази бўлмай, катта давлат – халифаликка қарашли вилоятнинг шаҳар маркази бўла бошлайди³.

Ўша даврдаги Бухоро шаҳрининг марказий қисми бозорлар билан банд бўлган. Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам ўрта аср шаҳарларининг умумий ўзига хос белгиси бор бўлиб, бозорлар фақат савдо-сотиқ жойи бўлмай, балки ҳунармандчилик ишлаб чиқариш жойи ҳам бўлган. Бухоронинг, Ўрта Осиё ва Эроннинг бошқа шаҳарларининг бозорлари

¹ Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 62.

² Муаллифлар гуруҳи. Бухоро тарихи. – Т.: “Фан”, 1974. – Б. 104.

³ Ўша асар. 104-105-бетлар.

расталардан иборат эди. Ҳар бир раста маълум бир ихтисослик бўйича савдогарларни ёки ҳунармандларни бирлаштирар эди. Ўрта Осиё шаҳарларининг талайгина қисмида жойлашган бозорлардан ташқарида ҳунармандчилик маҳаллалари бўлар эди. Бу маҳаллаларда майда устахоналар жойлашган бўлиб, уларда бирор ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилар эди. Ўрта Осиё билан Хуросоннинг ўрта аср шаҳарлари ўзларининг топографик тузилиши, кўча ва бозорларининг кўриниши, бинолари билан бир-бирига жуда ўхшашдир. Бу шаҳарларнинг ҳар бир бир хил типдаги феодал шаҳарнинг турли вариантларидан иборат эди.

Х аср Ўрта Осиё шаҳарларининг бозорлари жойлашган қисми бутун бир савдо ва ҳунармандчилик расталари тармоғидан иборат бўлган, шу билан бирга бой савдогарларнинг расталари, уларнинг карвонсаройлари, турли майда ҳунармандларнинг бозор ва расталари алоҳида турган.

Х асрдаёқ феодал типдаги шаҳар фақат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки топографик жиҳатдан ҳам узил-кесил бир шаклга кирган эди. Бу типдаги шаҳар Эронда ва Ўрта Осиёда ўзининг характерли белгиларини то XIX асргача сақлаб қолган, деган хулосани чиқариш мумкин. Чунки, Х асрда тўла шаклланган шаҳар кўриниши ва шаҳар ҳаёти типи кейинги даврларда – яъни теурийлар, шайбонийлар даврида ўзгаришларга деярли учрамайди. Аштархонийлар даври ва ундан кейинги хонликлар даврида ҳам бу анъана сақланиб қолдики, шаҳар кўриниши Россия босқинидан кейингина кескин ўзгаришларга дуч келади.

Манбаларда жўйбар – кавариайнлар (ойначилар шоҳобчалари), саррофлар (пул алмаштирувчилар) бозори, кавушлар сотиладиган тимлар (усту ёпилган бозорлар), газлама бозорлари, китоб бозорлари ва бошқалар тўғрисида кўпгина характерли маълумотлар учрайди. Саррофлар растаси бозорларнинг муҳим бир қисми бўлган. XI асрда баъзи шаҳарларда улар жуда кўп бўлган. XI аср тарихчиси Носир Хисравнинг маълумотларига қараганда Исфahонда саррофларнинг сони 200 кишига етган. Ҳудди шу ҳолни Бухоро шаҳрига нисбатан ҳам кўриш мумкин эди. Чунки, Бухоро шаҳри бу даврда Ўрта Осиёнинг энг катта шаҳарларидан бири бўлиб, шаҳар йирик савдо-сотик маркази бўлган. Бу ерга Осиёнинг турли мамлакатларидан савдогарлар тинимсиз келиб турган. Табиийки, чет мамлакатлардан келган савдогарларнинг пул алмаштиришларига жуда катта зарурият бўлган. Шу боисдан ҳам, Бухоро шаҳри иқтисодий ҳаётида саррофлар растаси ва саррофлар муҳим ўрин тутган.

Х асрда Бухоро иқтисодий жиҳатдан ҳам, маданий жиҳатдан ҳам Ўрта ва Яқин Шарқнинг энг илғор шаҳарларидан бири эди. У топографик жиҳатдан Марв ва Нишопурдаги каби қисмларга аниқ бўлинган¹.

Бухорода сомонийлар даврида шаҳарнинг жуда катта қисмини амир ва унга яқин кишиларнинг, қўшин бошлиқларининг саройлари, ҳукумат муассасаларининг бинолари жойлашган кўчалар ишғол қилган эди.

Ўрта Осиёнинг ўрта аср шаҳарларида мусулмон руҳонийларининг таъсири жуда кучли бўлган. Руҳонийларнинг юқори табақаси (муфтийлар, қозилар, садрлар ва бошқалар) бевосита ёки билвосида йўл билан катта-катта воҳа ерларни ва мол-мулкларни идора қилардилар. Бухорода сомонийлар даврида кўпгина масжидлар, мақбаралар ва ҳонақоҳлар бор эди. Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлибгина қолмай, балки мусулмон динининг энг йирик маркази ҳам бўлган Бухорода тегишли диний мактаблар ҳам бор эди.

Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидаги каби Самарқанд работлари ҳам шаҳарни бир неча томондан ўраб олган эдилар, лекин жануб томондаги работ бошқа работларга

¹ Ўзбекистон тарихининг долзарб саҳифаларига янги чизгилар. Даврий тўплам. №2. – Т.: “Шарқ”, 1999. – Б. 165.

қараганда энг турғун бўлган ва шунинг шаҳар ҳаётининг маркази ҳам шу ерга кўчиб ўтган.

Манбаларда қайд қилинишича, Рос-ат-так яъни “гумбаз боши” деган жой Самарқанд бозорининг марказида бўлиб, у шаҳарнинг энг гавжум жойи бўлган. Х асрнинг охирида у Самарқанд бозорининг чорсуи бўлган. Бу ерда бозор марказида пул майдаловчи ва алмаштирувчи саррофлар растаси бўлган. Ундан нарироқда мисгарлар растаси жойлашган, бошқа хунарманд ва савдогарларнинг расталари ҳам марказдан бошланар эди.

Самарқанд шаҳристонидаги ҳаётнинг хусусияти хунармандчилик ва савдо билангина эмас, балки бошқа жиҳатлар билан ҳам белгиланар эди. Шаҳристонда қалъа, қалъада эса қамоқхона ва уни бошқариш уйи жойлашган. Сомонийлар даврида Самарқанд шаҳристони асосан муҳим маъмурий марказ, шунингдек, турар жойлар қурилган ва улар тигиз жойлашган маҳалла бўлган эди¹.

Х асрнинг яна бир катта ва муҳим шаҳарларидан бири бўлган Термиз шаҳри тоҳирийлар, сомонийлар даврида ва айниқса қорахонийлар ва уларга замондош бўлган салжуқийлар, ғазнавийлар даврида, яъни XI-XII асрларда янгидан кўтарилиши ва ривожланиш даврини ўз бошидан кечирмокда эди. IX-X асрларда шаҳар худуди шимоли ва шимоли-шарқий томонга кенгайиш ҳисобига анча катталашади. Худди шу жойнинг ўзида Термиз работлари ҳам пайдо бўлади.

Термиз XI-XII асрларда ниҳоятда гуллаб-яшнади. 1938 йилда Термизда ўтказилган археологик қазув ишларидан олинган маълумотларга кўра, деярли 5 гектар майдонни эгаллаган темирчиларнинг бутун бир маҳалласи топиб текширилган. Шунингдек, бу ерда казиб очилган деярли 200 кв. метр майдонда майда хунармандларнинг уй-жойлари билан бевосита боғланган кичик дўкон-устахоналарининг қолдиқлари ҳам топиб ўрганилган. Бу текширишлар шундан далолат берадики, Термиз шаҳрида бу даврларда хунармандчилик жуда тараққий этган. Айниқса, катта майдонни эгаллаган темирчилар растасидан топилган ашёлар темирчилик, хусусан темирга ишлов бериш техникаси анча тараққий этганлигидан далолат беради.

Биз кўриб ўтаётган даврларда яъни X-XI асрларда ўрта Осиёда юқорида санаб ўтилган шаҳарлардан ташқари яна бир қанча катта-кичик шаҳарлар бор эди. Хусусан, қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Фарғона водийсида ва Шарқий Туркистонда бир қанча шаҳарлар пайдо бўлиб, мавжудлари эса анча кенгайди. Бу даврда шаҳар сифатида тўла шаклланган Андижон, Қува, Ўш, Новқат, Косон ва Ахсикент шаҳарларининг сиёсий ва стратегик аҳамияти ошади.

Қорахонийлар Мовароуннахрни босиб олганларидан кейин бу ердаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда катта ўзгаришларни амалга оширадilar. Бу даврда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар содир бўлганлиги боис, қорахонийлар ўз давлатларини вилоятларга бўлиб ташлайдилар ва айрим вилоятлар деярли мустақил бошқарилганлиги боис, айрим шаҳарларнинг мавқеи ҳам кўтарилади. Мовароуннахр вилоятининг пойтахти Самарқанд, Фарғона вилоятининг пойтахти эса Ўзган шаҳри эди. Бу вилоятлар бошлиқлари элекхонлар бўлиб, улар Қашқардаги тамғачхонларга расман тобе эдилар. Қорахонийлар даврида Самарқанд элекхони анча кучайиб кетган эди. Самарқанд элекхони саройида сомонийлар давлатида бўлгани каби вазир, соҳиби барид, муставфий, ҳожиб, раис-муҳтасиб каби амалдорлар бўлган. Таъкидлаш жоизки, қорахоний ҳукмдорлари мусулмон уламолари билан қалин алоқа ўрнатганлар ва имомлар, саййидлар, шайхлар, садрларни қўллаб-қувватлаганлар².

¹ Муаллифлар гуруҳи. Самарқанд тарихи. 1-том. – Т.: “Фан”, 1971. – Б. 286-287.

² Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2012. – Б. 205.

Ўрта Осиёдаги ўрта аср шаҳарларининг узил-кесил шаклланиш жараёнини яқунлаб ўтиб, шаҳарда бозорлар, улардаги хилма-хил ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдоси жуда катта роль ўйнаганлигини алоҳида қайд қилиб ўтишга тўғри келади. Бу бозорларнинг шаҳарда топографик жиҳатдан марказий жойни ишғол қилганлиги тасодифий эмас. Юқорида айтиб ўтилган сомонийларнинг ўнта девони таркибида мухтасиб девони ҳам бўлганлиги тасодифий эмас. Бу девоннинг вазифаси шаҳарнинг ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдо ҳаёти устидан ҳар тарафлама назорат қилишдан иборат эди. Бу девон хизматчилари қиладиган асосий иш шаҳар ва қишлоқларда, кўча ва бозорларда тартиб-интизомни, бозорлардаги тош-тарозиларни назорат қилганлар. Аҳоли томонидан шариат қонун-қоидаларига риоя қилишнинг назорати ҳам шу девон зиммасида бўлган. Ушбу девонбоши ўз мирғазаб (ходим) лари билан барча шаҳарларда фаолият кўрсатган¹.

Бу вақтда аҳолиси камида 32 хил ҳунар билан шуғулланган аҳоли яшайдиган жойгина шаҳар бўла олади, деган фикр жуда кенг тарқалган эди. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, айрим шаҳарларда ёки савдо расталарида ҳунармандчиликнинг у ёки бу тури тўпланган ва уюшган эди. Бирон бир ҳунарнинг ички тузилиши ҳақида айрим тасаввур ҳосил қилиш мумкин. IX-X асрларда ҳунармандларнинг асосий кўпчилиги озод кишилар бўлган. Шунинг учун ҳам қатор манбалардан олинган маълумотлар орасида Наршахийнинг Бухоро шаҳри яқинида жойлашган ва асосан бозор учун тўқувчилик билан шуғулланган Искижкет қишлоғи аҳолиси тўғрисидаги сўзлари муҳим ўрин тутди. Бу қишлоқ аҳолиси қишлоқ эгаси Саҳл ибн Аҳмад Доғунийга ҳар йили 10 минг дирҳам тўлаб, бу суммани уй бошига солиқ қилиб тўплар эди. Исмоил Сомоний ҳукмдорлиги даврида Искижкет аҳолиси Саҳл билан узоқ судлашиб, бу қишлоқни ўзлари сотиб оладилар ва ҳар йили олинадиган ўлпондан қутуладилар².

IX-X асрларда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши билан фақат эркакларгина эмас, балки хотин-қизлар ҳам шуғулланар эдилар. Хотин-қизлар меҳнати тўғрисидаги маълумотлар манбаларда тез-тез учраб туради. Хотин-қизлар асосан йигирув ишларида ва қисман тўқувчилик ишларида деярли монопол мавқени эгаллаганлар. XI асрнинг ўрталарида ёзилган ва шу асрнинг биринчи ярмида юз берган воқеаларни акс эттирган “Тарихи Байхақий” деган асарда келтирилишича, хотин-қизларнинг ҳунармандчиликда жуда катта роль ўйнаганлиги кўрсатилган.

IX-X асрларда шаҳардаги ҳунармандчилик ишлаб чиқариши асосан бозорларда жойлашганлиги юқорида кўрсатиб ўтилди. Ҳунармандлар мавжуд манбаларда “дўкон” деб аталган алоҳида хоналарда ишлаганлар. Ҳунарманд уста – “устод”нинг ўзи ҳам, унинг ўқувчилари – “шогирд”лари ҳам дўконда бирдек тенгма-тенг ишлаганлар.

Европада ўрта асрларда цех деб аталган ҳунармандчилик ташкилотларининг мавжудлиги тўғрисида тўғридан-тўғри кўрсатмалар X асрдан сақланмаган. Лекин ўрта аср Мовароуннаҳридаги ҳунармандчилик цехларининг бутун кейинги тарихи бундай цехлар ҳунармандларнинг маълум бир формадаги ташкилоти сифатида IX-X асрларда ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Ўша вақтдаги баъзи шаҳарларда маҳалла шайхлари (маҳалла бошлиқлари) мавжуд бўлганлигининг манбаларда кўрсатилиши ҳам тадқиқотчиларни шу фикрга олиб келади.

Шундай қилиб, ўрта Осиёда араблар истилосига қадар бошланган феодал шаҳарларнинг шаклланиш жараёни IX-X асрларга келиб тўла яқунланади. Биз кўриб ўтаётган даврда Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари ўз ичига маъмурий-жамоа ва диний муассасаларни, шунингдек, ҳунармандчилик-савдо корхоналарини олган бўлиб, бу шаҳарлар каттагина майдонларни эгаллаган. Шаҳарларда маъмурий марказ билан бир қаторда юзлаб маҳаллалар бўлиб, бу маҳаллаларда шаҳар феодал зодагонлари ва

¹ Сағдуллаев А., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: “Академия”, 2000. – Б. 128.

² Қаранг: Наршахий. Бухоро тарихи. – б. 96-97.

шунингдек, аҳоли учун зарур бўлган барча маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ҳам яшаганлар. Бундай шаҳарларда бой-бадавлат кишиларнинг шаҳар марказида жойлашган дабдабали ажойиб саройлари билан бир қаторда шаҳар четида аҳолининг хунармандлар ва камбағаллар яшайдиган минглаб уй-жойлари бўлар эди. Биз кўриб ўтаётган даврларда Ўзбекистоннинг катта шаҳарларида бир неча ўн минглаб аҳоли яшар эди. Шу тариқа Ўрта Осиёнинг IX-X асрларда шаклланиб қарор топган шаҳар структураси то XX аср бошларигача деярли ўзгаришларсиз сақланиб келди.

2-боб. XI-XIII АСР БОШЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

2.1. XI-XII асрларда Ўрта Осиёдаги ижтимоий аҳвол ва тадбиркорлик муносабатлари

Мовароуннахрда сомонийлар давлатининг қулаши ва ҳокимият тепасига қорахонийлар давлатининг келишини фақат сулолалар алмашинуви деб тушунмаслик керак. Бу даврда Ўрта Осиёда юз берган ўзгаришлар жуда катта бўлиб, бу ўзгаришлар сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётнинг ҳамма томонларини ўз ичига олган эди. Даставвал сомонийлар сулоласининг атоқли намояндалари юз йиллар давомида мустаҳкамлашга ҳаракат қилган бутун марказлаштирилган давлат ўрнига мамлакатни кичик бўлақларга (удел) бўлиб идора қилиш системаси эгаллади.

XI-XII асрларда Қашқардан тортиб Амударёгача бўлган барча ҳудудлар қорахонийлар хонадонининг шахсий мулки ҳисобланган. Бу хонадоннинг бошлиғи – улуғ хон кўпинча Қашқарда, онда-сонда Болосоғунда турар эди. Манбаларда қорахонийлар хонадонининг бошлиғи, яъни улуғ хон “тамғачхон” номи билан тилга олинади¹.

Қорахонийлар давлати айрим қисмларга – уделларга бўлиниб, бу уделларнинг тепасида эликхон унвонини олган қорахонийлар хонадонининг аъзолари турар эди. Эликхонлар билан улуғ хонлар ўртасида алоқа мустаҳкам эмас эди. Удел бошлиқлари – эликхонлар бир-бирлари билан доимий душманликда яшар ва мустақил бўлиб олишга ҳаракат қилар эдилар.

Сомонийлар давлати қулашига қадар Болосоғун қорахонийлар пойтахти эди. XI асрда тамғачхонлар кўпинча Қашқарда яшар эдилар. Бир вақтлар, ҳарҳолда 1072 йилдан олдин қорахонийлар давлатининг пойтахти Фарғона водийсининг шарқий қисмидаги Ўзган шаҳри бўлган. XI асрнинг охирларига келиб Ўзган қорахонийларнинг Фарғона уделининг маркази бўлиб қолади. Қорахонийлар удел хонлиги ичида Мовароуннахрнинг эликхони энг катта аҳамиятга эга бўлиб, у одатда Самарқандда яшар эди.

Қорахонийлар удел хонлигида идора қилиш тизими сомонийлар давридаги тартибда тўлиқ сақланмаган бўлса ҳам, кўпчилик вазифалар аввалги аҳамиятини тўла сақлаб қолди. Шаҳарларда сомонийлар давридан маълум бўлган амалдор шахслар – ҳокимлар, раислар, муҳтасиблар ва бошқалар сақланиб қолган эди.

XI асрнинг биринчи ярмида Еттисув катта сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлишдан ташқари, унинг ижтимоий тартиблари қорахонийлар давлатининг ҳеч қаерда кўчманчилар дашти билан деҳқончилик қилинадиган маданий жойлар ўртасидаги қўшничилик Еттисувдаги каби катта роль ўйнаган эмасди. Бу даврга хос асосий масала кўчманчилардан чиққан қорахоний ҳукмдорлари шаҳар ва қишлоқларнинг ўтроқ аҳолисига нисбатан қандай муносабатда бўлганлигидир. Бу масалага XI асрнинг ажойиб ёдгорлиги бўлган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) асаридан жавоб топиш мумкин. Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида жамиятдаги турли табақаларга ҳукумат қандай муносабатда бўлиши кераклигини баён қилади. Жумладан: “Деҳқонлар (тариқчилар) кишиларнинг яна бир турини ташкил этади. Улар керакли кишилардир, бу аниқ. Сен улар билан алоқа боғла ва хушмуомалада бўл. Улар тўқчилик келтирувчилардир, улар ҳамма тирик мавжудотларга фойда келтиради. Ҳамма улардан озиқ-овқат олади”².

Юсуф Хос Ҳожиб ҳунармандларга айниқса юқори баҳо беради: “Улар сен учун жуда зарур кишилардир, сен улар билан яқин алоқада бўл: темирчи, тикувчи, этикдўз,

¹ Караев О. История караханидского каганата. – Фрунзе: 1983. – С. 12.

² Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғуний. Қутадғу билиг (Саодатга элтувчи билим). – Т.: “Чўлпон”, 1990. 40-бет.

сувчи, эгарчи, тошчи, ўкчи, камончиларнинг фойдаси катта. Бу дунёга улар яхшилик келтирадilar. Улар жуда кўп ажойиб нарсалар ишлайдилар”¹.

Юсуф Хос Ҳожиб савдогарларни ҳам кўкларга кўтариб таърифлайди: агар Хитой карвонлари савдо қилмай қўйсалар, сен ўн мингларча қимматбаҳо нарсаларни қандай оласан? Агар савдогарлар дунё бўйлаб юрмасалар, сенинг кўзинг ипга терилган дурларни қандай кўра олади? Агар менинг тилим дунёдаги ҳамма нарсани санаб ўтишни истаса, кўп сўз крак бўларди, шунинг учун сўзимни қисқа қиламан. Савдо аҳллари билан чиқиш, улар учун ўз эшигингни очиб қўй².

Келтирилган парчалар X аср охири – XI асрлардаги қорахонийлар ҳукмдорлари амал қилган маълум бир тизимга солинган сиёсатдан дарак беради. Кўчманчи-чорвадорлар деҳқончилик қилинадиган ерларни, айниқса шаҳар ҳаётининг маданий аҳамиятини жуда яхши тушунар эдилар. Уларнинг ҳаммаси ўтроқ ҳаётга кўчмаган бўлсалар ҳам, улар шаҳарлар билан яқин алоқа боғлашга ҳаракат қилардилар. Шу туфайли уларнинг баъзилари Қашқар, Болосоғун, Тароз, Ўзган, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларни ўзларига пойтахт қилган эдилар. Улар бу шаҳарларда ўзларига саройлар қурганлар ва баъзан қиш ойларида шу шаҳарларда ўтказганлар³.

XI асрда Ўрта Осиё қорахонийлар томонидан истило қилинган, бу минтақада шартли ер эгаллиги кенг тарқала бошлайди. Ерга эгалик қилишнинг бундай шакли мусулмон Шарқда “икто” номи билан машҳур эди. Бу ном билан дастлаб инъом этилган ернинг махсус типи тушунилан ва иктадор маълум микдордаги даромадни ўз вақтида олиб турган. Бу даврга оид адабиётларда икто вақтинча бериладиган инъом сифатида тасвир этилган бўлиб, бунда давлат хазинасига тушадиган маблағлардан, биринчи галда хирождан маълум қисмини мунтазам олиб турилган.

Қорахонийлар истилоси билан бирга Мовароуннаҳрга жуда кўп туркий халқлар ҳам кириб келдилар ва улар аста-секин ўтроқлаша бошладилар. Ўтроқлашган бу турклар ҳам Мовароуннаҳр ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, яъни деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотикда фаол иштирок эта бошладилар. Аммо истилонинг бошқа томонларини ҳам унутмаслик керак. Қорахонийлар билан бирга Мовароуннаҳрга бир қанча кўчманчилар ўз подалари билан келган эдилар. Улар мамлакатнинг деҳқончилик қилинадиган туманларидан анчагина қисмини пайхон қилдилар. Бу маълум даражада суғориладиган ва деҳқончилик қилинадиган ерларнинг қисқаришига сабаб бўлди. XI асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда, айниқса Зарафшон водийсида кўп далалар, полизлар ва боғлар нобуд бўлиб кетган эди⁴.

Кўпчилик деҳқонлар илгаригидек қишлоқ жамоаси шароитида яшашда давом этарди. Аввалгидек ерни ижарага олувчилар кўпчиликни ташкил этар эди. XI асрдаги тарихий манбаларда ерни ижарага олувчилар “барзигар” термини билан аталган.

Қорахонийлар истилоси Шарқий Туркистон билан Ўрта Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан етакчи бўлган вохалари маданиятини бирлаштиришда муҳим роль ўйнади. Вохалар ва шаҳарлар ўртасида давом этиб турган мунтазам иқтисодий ва маданий алоқаларга кенг чўллар ҳам қўшилди. Тошкент, Самарқанд, Ўзган, Бухоро, Урганч, Марв ва Хуросон шаҳарлари янада ободлашиб борди. Шаҳарларнинг қосиб ва хунармандлари ранг-баранг гуллар солинган сирланган идишлар ясар эдилар. Рангли юпқа ойна ишлаб чиқариш янада такомиллашди ва ривожланди. Ойна бу пайтга келиб бинокорлик ишларида безак сифатида кенг ишлатила бошланди. Бронза, мис, шиша ва сополдан ясалган буюмларга, деворларга ва қоғозга ҳар хил бадиий суратлар ишлаш кенг ёйилди.

¹ Ўша асар. 42-бет.

² Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғуний. Қутадғу билиг (Саодатга элтувчи билим). 72-бет.

³ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 106-бет.

⁴ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1994. 268-269-бетлар.

Иқтисодий муносабатлар тўғрисида сўз кетаркан, шуни айтиш керакки, қорахонийлар даврида ҳам деҳқончилик ишлари ўз маромида кечган. Бунга, албатта, сунъий суғориш тизимларининг талаб даражасида ишлаб туриши, лозим бўлганда уларни таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши, ер ости, ер усти сув қувурларининг ўтказилиши, каналлар, сув омборлари, тўғонларнинг бунёд этилиши ҳамда ўлкада, айниқса Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларида деҳқончилик анъанавий юқори даражада бўлганлиги орқали эришилган. Илгаригидек деҳқончиликнинг барча асосий турлари етиштирилиб борилганлиги ҳам маълум.

Тадқиқ этилаётган даврда кончиликдаги саъй-ҳаракатлар ҳам сусаймаган. Чунончи, қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Охангарон атрофида (Қорамозор) мис, кумуш, кўрғошин конлари, Фарғонада олтин, симоб, кумуш, темир, мис, феруза, новшадил, нефть, купорос, қатрон, Нурота тоғларида олтин, мис, кўрғошин, симоб, мрамор, Бухоро, Усрушонада олтин, нефть, феруза, темир конлари ишлаб турган¹.

Деҳқончилик ва тоғ кон ишлаб чиқаришида фаоллик бошқа бир муҳим соҳа – ҳунармандчиликни ҳам жонлантириб тургани табиий, албатта. Шунинг учун темирчилик, кулолчилик, шишасозлик (ойнасослик), заргарлик, тўқимачилик, кўнчилик, қуролсозлик каби ўттиздан ортиқ соҳалар ривожланиб борган. Масалан, шишасозликда шишадан ишланган буюмларга (ошхона буюмлари, жиҳозлари, безак-такинчоқлар), сиёҳдон, тувак ва бошқаларга турли рангда жило бериш расм бўлганини билиш мумкин. Булар албатта ўз даври учун ҳунармандчилик соҳасидаги катта ютуқ бўлган. Бундан ташқари иморатларни безаш ва жиҳозлашда шишасозликнинг имкониятларидан кенгрок фойдаланишга ҳаракат қилинган. Чунончи, иморатларга ўрнатилган ойналар ҳам рангсиз, ҳам рангли бўлиши мумкин эди. Панжаралар оралиғига турли рангдаги шишалардан ўрнатиб, иморат кўркини очишга ҳаракат қилинганини ҳам эслатиб ўтиш ҳам жоиздир.

Тўқимачилик ҳақида сўз юритилганда, аввало шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу борада Бухоро, Самарқанд вилоятлари пешқадамликни қўлдан бермаганлар. Пахта толасидан тўқилган турли хилдаги газламалар ҳам минтақада, ҳам хорижий ўлкаларда машҳур бўлган. Кўнчилик маҳсулотларидан эса, манбаларда олмахон, соболь ва бошқа ҳайвонлар терисидан пўстин, чармдан ишланган оёқ кийимлари, туя ёки қўй жунидан тўқилган иссиқ кийим, гулдор наMATлар ва бошқа ашёлар тилга олинади. Кўнчилик соҳасидаги энг нозик ишлардан бири ҳисобланган мўйни тўқдиришда арзутал номли аралашмадан фойдаланилганини Маҳмуд Қошғарий ўз асарида қайд қилиб ўтган².

Бундан аввал ҳам кўриб ўтилганидек, деҳқончилик, ҳунармандчиликдаги бир текис раvнақ савдо-сотиқ ишларини ҳам жадаллаштириб боришда муҳим аҳамият касб этди. Қорахонийлар даврига келиб Шарқий Туркистондан Хоразмгача бўлган катта ҳудуднинг сиёсий жиҳатдан бирлашиши савдо-сотиқ ишларида минтақанинг шарқий вилоятлари имкониятларини юзага чиқариш шароитини яратиб берди. Чунончи, биз бугун “буюк ипак йўли” деб биладиган савдо йўли тўғридан тўғри Шарқий Туркистонни араб ўлкалари билан туташтириб турган. Ўз даврида шимолий ва жанубий йўналишларга эга бўлган бу йўлнинг бир учи Хитойдан бошланиб Шарқий Туркистон, Фарғона, Тошкент, Зарафшон водийси, Бухоро орқали шимолда Волга бўйлари воситасида Шарқий Европага, жанубда эса Ўрта Шарқ орқали Ўрта ер денгизигача борган. Бу йўллар бўйлаб олиб борилган карвон савдосида яна аввалгидек мовароуннахрлик мусулмон савдогарлар етакчи роль ўйнаганлар. Халқаро савдо-сотиқ ишларида анъанавий товарлар – Ўрта Осиё шаҳарларида ишлаб чиқарилган турли-туман буюмлар – темирчилик, мисгарлик, заргарлик буюмлари, тўқимачилик маҳсулотлари (ип калавадан тўқилган газламалар, ипак ва ярим ипак газламалар: шойи,

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 110-бет.

² Караев О. История караханидского каганата. – С. 231.

адрас, кимхоб ва хоказолар), жун газламалар ҳамда жундан тўқилган кийим-кечаклар, тери маҳсулотлари (оёқ кийимлари, от абзаллари, эгар, қайиш, чарм, уй-рўзгор буюмлари), куруқ мевалар, шоли, дуккакли экин маҳсулотлари, турли зираворлар, мўйнали ҳайвонлар, зеб-зийнатлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, тайёр чодирлар, наматлар, гиламлар, юмшоқ жундан тўқилган чопонлар, ойналар, шиша буюмлари ва бошқа маҳсулотлар чет мамлакатларга олиб бориб сотилган ёки бошқа маҳсулотларга айирбошланган¹.

Савдо йўллари узра жойлашган шаҳар ва қишлоқларда бозорлар, карвонсаройлар ободонлиги ва орасталиги, умуман, савдогарларга хизмат кўрсатиб, шу орқали фойда кўриладиган турли хизматларни муҳайё этишга катта эътибор берилган. Мунтазам равишда турли ерларда савдо кўргазмалари уюштирилиб турилганлиги ҳақида ҳам манбаларда маълумотлар бор².

XII асрга келиб, савдо йўллари устида, аҳолиси бўлмаган чўл, дашт жойларда ҳам карвонларга хизмат кўрсатувчи рабoт деб аталадиган муассасалар пайдо бўлди. Рабoт атамаси даставвал илк ўрта асрларда шаҳарнинг бир қисмига нисбатан ишлатилган. Яъни илк ўрта асрларда шаҳарнинг шихристондан ташқари – ҳарбий қисм жойлашган, мустаҳкамланган қисми рабoт дейилган³.

XII асрлардаги рабoтлар эса, аҳолиси бўлмаган жойларда барпо этилган, карвонсарой вазифасини бажарувчи, карвонлар хавфсизлигини таъминловчи масканларга нисбатан қўллана бошлади.

Қорахонийлар даврида янгидан-янги шаҳарлар вужудга келди, мавжуд шаҳарлар янада кенгайиб, ободлашиб борди. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Қашқар шаҳри диний, маданий ва савдо-сотик маркази сифатида ривожланди. Шунингдек, бу даврда Ахсикент, Андижон, Косон, Нахшаб, Марғилон каби шаҳарлар ҳам шаҳар сифатида шаклланди ва бу шаҳарларда савдо-сотик гуркираб ривожланди. Бу ўринда бевосита қорахонийлар давлати айрим удел хонликларининг пойтахти вазифасини бажарган Ўзган, Болосоғун, Тароз, Ўтрор каби шаҳарлар хусусида ҳам тўхталиб ўтмоқ лозим. Бу шаҳарлар қорахонийлар даврида ҳақиқий ўтроқ аҳоли яшайдиган шаҳарларга айланди. Бу шаҳарларда қорахонийлар ҳукмдорлари томонидан масжидлар, мадрасалар, макбаралар, бозорлар, усти ёпиқ савдо расталари барпо этилиб ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожини учун етарлича шароитлар яратилди.

Шаҳарларда пишиқ ғиштдан ҳашаматли бинолар қуриш кенг тарқала бошлади. Умумий режалаштиришда ҳам деталларни безатишда ҳам бинокорлик санъатининг янги формалари вужудга келди, пештоқ қилиш, сарғиш-қизил лой билан зийнатлаш ишлари, қуббаларнинг устини беркитишнинг янги усуллари пайдо бўлди. Меъморчиликдаги бу янгиликлар бу даврда ҳунарманд-меъморларнинг янги бир авлоди шаклланиши ва улар маҳоратини такомиллашгани билан изоҳланади.

Бу даврдаги меъморчилик санъати ёдгорликларидан қадимги уста бинокорларнинг Бухоро вилоятидаги Ҳазор қишлоғида қурган Деҳгарон масжиди сингари ажойиб иншоотлари ҳозиргача сақланиб келмоқда.

“Работи Малик” номли ҳашаматли рабoтнинг айрим қолдиқлари Деҳгарон масжиди яқинида, чўлда хали ҳам бор. Уни қорахонийлар ҳукмдори Шамсулмулк қурдирганлиги манбаларда қайд қилинган.

Қорахонийлар ҳукмдори Арслонхон даврида 1127 йилда барпо этилган Масжиди калон жоме масжидининг жуда яхши сақланган минораси Бухорода ҳозиргача шаҳарга кўрк бериб туради. Минора баланд, жумалок устунсимон бўлиб, устида пештоқли тожи ҳам бор. Миноранинг усти жимжимадор шаклда чиройли қилиб терилган пишиқ ғишт билан қопланган.

¹ Э. Мерчил. Мусулмон турк давлатлари тарихи. – Анкара: 1993. – 30-31-бетлар.

² Караев О. История караханидского каганата. – С. 243.

³ Э. Мерчил. Мусулмон турк давлатлари тарихи. – Анкара: 1993. 32-бет.

Бирмунча кейинроқ даврда (XII аср охирида) барпо қилинган чиройли минора Бухородан 25 километр нарида Вобкентда сақланиб қолган. Кейинчалик қайтадан қурилган бўлсада, ўзининг эски қисмида кошинкор гулларини ва ганчга туширилган ўймакор нақшларини сақлаб қолган. Бухородаги Намозгоҳ ва шунингдек, гул ва нақшлар билан безатилган пештоқли Мағоки Атторон масжиди ҳам XII асрга оиддир. Жимжимадор бурмали гуллар солиниб ғоят зўр аниқлик ва пухталиқ билан қурилган Сурхондарё вилоятидаги Жарқўрғон минораси қорахонийлар замонаси меъморчилигининг ажойиб намунасидир.

Қорахонийлар замонаси меъморчилиги ва ҳунармандчилиги намуналари ҳақида фикр юритганда бу сулола намояндалари томонидан бунёд эттирилган Ўзган, Новқат, Қошғар, Хўжанд, Тароз каби шаҳарлардаги обидалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Бу шаҳарлардаги бугунгача сақланиб қолган обидалар қорахонийлар давридаги меъморчиликнинг ўзига хос услубга эга эканлигидан дарак беради. Бу обидалар ўша давр меъморлари, ҳунарманд-усталарининг юксак ақл-заковати билан яратилган.

II. 2. XII-XIII аср бошларида Мовароуннаҳрда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ алоқаларининг аҳволи

Бухорода қорахонийлар давлати қулаганидан кейин ўзига хос рухоний-садрлар сулоласи ҳокимиятни эгаллади. Бу садрлар Бухоро диний жамоаларининг раҳбари ва шу билан бирга Бухоро шахрининг раиси ҳам эдилар. Садрлар Бухоро ва унинг вилоятларидаги диний ҳокимиятни ҳам, дунёвий ҳокимиятни ҳам ўз қўлларида тутиб турардилар. Улар энг катта ер эгалари, Бухоро теваарагидаги энг яхши мулкларнинг хўжайини эдилар. Шу билан бирга шаҳардаги энг қимматли кўзгалмас мулклар – дўконлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, тегирмон-обжувозлар ва хоказолар ҳам садрларники эди. Улар карвонларнинг сармоясига ҳам ҳисса қўшиб карвон савдосида ҳам иштирок этардилар. Шунингдек, Бухоро ва бошқа шаҳарларнинг саррофлари билан ҳам алоқада бўлиб, улар орасида катта таъсирлари бор эди. Буларнинг ҳаммаси садрларнинг шахсий мулки эди. Бундан ташқари улар масжид, мадраса ва ҳонақоларнинг вақфларини ҳам бошқарардилар. Бу ҳам етмаганидек, шаҳар ҳунаримандларининг аксарият қисми ҳам кўп жиҳатдан садрларга қарам эдилар.

Қорахонийлар давлатининг қулаши оқибатларидан яна бири шу бўлдики, Ўрта Осиё, шу жумладан, Мовароуннаҳр ҳаётида юз берган бошқа бир катта ходиса Хоразмнинг юксалиши бўлди. Хоразм XI асрда ва XII асрнинг биринчи ярмида салжукийлар давлати таркибида эди. Бу даврдаги Хоразмнинг ҳолати шундай эдики, фақат салжукийлар давлатига қарши курашдагина юксала олар эди.

Шу ўринда салжукийлар даври иқтисодий муносабатлар аҳволига келсак, албатта биз бутун салтанат, яъни Мовароуннаҳрдан Ўрта ер денгизигача бўлган ҳудудда кечган иқтисодий муносабатлар тўғрисида фикр юритмай, асосий эътиборни мазкур масаланинг минтақага алоқадор томонларига тўхталиб ўтамиз.

Шу маънода ўз даври учун катта аҳамият касб этган деҳқончилик ривожланиб бориб, бунга асосан сунъий суғориш тизимининг кенгайиб, мукамаллашиб бориши кенг йўл очиб берди. Чунончи, сув тўғонларини таъмирлаш, янгиларини қуриш, ер ости ва ер усти сув иншоотларини барпо этиш, деҳқончиликнинг илғор усулларидан фойдаланиш, сунъий сув хавзаларини яратиш каби тадбирлар ўша замон деҳқончилиги тараққиётидаги асосий омиллардандир. Ғаллачилик, боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик, пахтачилик соҳаларидаги ютуқлар ҳам илгариги даврлар ва бошқа минтақалардан кам бўлмаган. Чунончи, Хоразм қовунлари, Журжон хурмолари, шакарқамиши, лимонлари, Нисо узумлари, беҳилари, бақлажонлари, Марв буғдойи нафақат минтақада, балки ундан ташқарида ҳам шуҳрат қозонган эди¹.

Деҳқончилик соҳасининг ривожи, албатта, ҳунармандчилик тараққиёти учун тегишли асос яратиб беради. Салжукийлар даври ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун ҳам ёзма манбалар, археологик изланишлар натижалари берган гувоҳликларга назар солинса, тўқимачилик (ип газлама, ипак, зиғирпоя толасидан тайёрланган матолар ишлаб чиқариш), гиламчилик, заргарлик, ойнасоzлик, темирчилик, кўнчилик каби қатор соҳалар ҳам ички, ҳам ташқи талаб ва эҳтиёжларни қондириш йўлида тараққий этиб борган².

Яна бир муҳим соҳа бу савдо-сотиқдир. Савдо-сотиқнинг ривожланишида ишлаб чиқариш (деҳқончилик, ҳунармандчилик) билан бир қаторда улкан иқтисодий савдо маконининг мавжудлиги ҳам муҳим ўрин тутган. Албатта бундай маконни яратиш осон кечмаган. Шаҳарларда бозорлар аҳволини яхшилаш, тартиб ўрнатиш, карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш, маълум масофаларда работлар, тўхташ жойлари бино этиш,

¹ Агаджанов С.А. Сельджукиды и Туркмения в XI-XII вв. – Москва: 1973. – С. 87-88.

² Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 131-бет.

пул муомаласини назорат қилиш каби қатор муҳим тадбирларни доимо амалга оширишга тўғри келган. Бунинг натижасида минтақанинг Ўрта ва Яқин Шарқ, Шарқий Европа, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакат ва ўлкалар билан савдо алоқалари гуркираб ривожланиб борган. 1087 йили салжукий ҳукмдори Султон Маликшоҳ Шарқ ва Ғарб йўналишлариаро савдо-сотикни янада ривожлантириш ниятида Хуросон ва Ироқ савдогарларини баъзи бир савдо тўловларидан озод этган¹. Савдо-сотикда курукликдан ташқари Каспий денгизи имконларидан ҳам оқилона фойдаланишга ҳаракат қилингани маълум. Каспий денгизи орқали Туркистонга нефть маҳсулотлари олиб келингани ҳақида қатор манбаларда маълумотлар учрайди. Ё бўлмаса Сирдарё қуйи оқими, ўнг қирғоғи ерларидан чиқадиган мушк, олтин, кумуш ёмбилар нафақат ташқи бозорда, балки минтқанинг ўзида ҳам ғоятда қадрланган. Умуман олганда, минтақа бозорларида қимматбаҳо мўйна, қоракўл териси, тузланган балиқ, морж қозик тишидан тортиб курук мева, нафис матолар, қимматбаҳо тошлар, тақинчоқларгача топиш мумкин эди².

Пул муомаласи ҳақида гапирганда, энг юқори даражадаги пул бирлиги сифатида соф олтиндан зарб қилинган динор (қизил динор) қабул қилинган. Таркибида олтиндан ташқари қўшимча металл аралашмаси бўлган ва маҳаллий аҳамият касб этган динор ҳам бўлиб, уни рукний деб атаганлар. Шунингдек, муомалада мис дирҳамлар ҳам бўлиб, улар асосан ички бозорга мўлжалланган. Салжукийлар даврида ҳам Ўрта Осиёда чек, аккредитив, вексел туридаги нақд пулсиз муомала қилиш тизими амалда бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим³.

Хоразм XI асрда ва XII асрнинг биринчи ярмида салжукийлар давлати таркибида эди. Агар ўша вақтда қорахонийлар давлати тушқунлик ҳолатида бўлмаганида эди, Хоразмнинг юксалиши ҳам мумкин бўлмас эди, чунки, акс ҳолда Хоразм битта эмас, балки иккита кучли душман билан олишишга мажбур бўлиб қолар эди. Салжукийлар ва қорахонийлар каби икки кучли сулола Хоразмнинг юксалишига ва Ўрта Осиёда янги йирик давлат бирлашмаси ташкил топишига ҳеч қачон йўл қўймаган бўлар эди. Аммо Хоразмнинг юксалишига Ўрта Осиёда юз берган қулай умумий сиёсий вазиятгина сабаб бўлди деб айтиш ҳам тўғри эмас. Чунки салжукийлар давлатига қарши курашда Хоразм фақат ўзининг ички кучларига – ҳам моддий, ҳам маънавий кучларига таяниб юксала олиши мумкин эди.

XI асрда Хоразмнинг моддий бойликлари ҳунармандчиликнинг тобора кенг ривожланиши ва чўл районлар ҳамда узоқ мамлакатлар билан бўлган савдо-сотик ишларининг кучайиши натижасида тобора кўпайиб борди. Бу савдо ишларида Хоразм савдогарлари савдо-сотик учун ажратган сармояларининг миқдори жиҳатидан ҳам, савдогарчиликни билишлари жиҳатидан ҳам бошқа вилоятлар савдогарларига қараганда анча устун турар эдилар. Аввалгидек мустаҳкамланган кўрғонларда яшаган эркин деҳқонлар қўлидаги деҳқончилик хўжаликлари ҳам тобора яхшиланиб борди. Ўтмишда салжукий амирларидан бирининг сарой амалдори бўлган Ануштагин авлодидан келиб чиққан туркий сулолага мансуб хоразмшоҳлар Хоразмнинг шу бойликларидан ва географик мавқеидан ҳамда унинг бошқа вилоятлар билан бўлган алоқаларидан кенг фойдаландилар.

Ануштагин тўғрисида шу нарса маълумки, у Маликшоҳ саройида каттагина бир мансабни эгаллаган. Яъни у султон ходимлари маҳкамасига бошлиқ эди. У вақтда бу маҳкаманинг вазифалари қаторига Хоразмни идора қилиш ҳам кирар эди. Бу нарса салжукийлар давлатидаги феодал муносабатларининг кучайганини жуда очик кўрсатиб турувчи белгидир. X асрда ва ҳатто XI асрдаёқ айрим вилоятларни марказдан тайинланадиган ва марказий девонлардан бирига итоат қилган махсус ҳокимлар идора

¹ Агаджанов С.А. Сельджукиды и Туркмения в XI-XII вв. – Москва: 1973. – С. 44.

² Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1991. 73-бет.

³ Агаджанов С.А. Сельджукиды и Туркмения в XI-XII вв. – Москва: 1973. – С. 53.

қилардилар. Салжуқийлар даврида айрим вилоятлар сарой маҳкамасидан бериладиган фармонлар асосида идора қилинадиган бўлди. Маликшоҳ Хоразмни Ануштагин идора қилишини хохлади, шунинг учун ҳам Ануштагин султон ходимлари маҳкамасини бошқаришни давом эттириб, Хоразмни шу маҳкамадан туриб идора қила бошлади¹.

Хоразмни мустақил давлатга айлантириш учун очикдан-очик интилган биринчи киши Ануштагиннинг набираси Отсиз бўлиб, янгидан тикланган Хоразмшоҳ унвонида юрар эди. Отсизнинг салжуқийлар султони Санжардек кучли подшоҳга қарши муваффақият билан кураш олиб борганлиги унинг Хоразмга кўрсатган хизмати бўлди. Хоразмшоҳ Отсиз (1127-1156 йиллар) ўз подшоси ва шу билан бирга ўз душмани бўлган султон Санжарнинг ҳар бир заифлигидан усталик билан фойдалана олди. Моҳир дипломат ва журъатли лашкарбоши бўлган Отсиз мустақил ташқи сиёсат юргиза бошлайди. У ўз таъсирини ва ҳудудларини кенгайтириш учун султон Санжарнинг руҳсатисиз қипчоқларга ва туркманларга қарши уруш олиб боради².

Отсизнинг Хоразмни мустақил давлат қилиш йўлидаги ҳаракатлари зое кетмади. У ўз мулкига Жанд ва Манғишлоқни қўшиб олиб, кўчманчи қипчоқлар ва туркманларни ўз таъсири остига олади. Отсиз ўз умрининг охирида Хоразм мустақиллиги муаммосини ҳал қилибгина қолмай, балки мусулмон шарқида янги бир кучли давлатнинг ташкил топишига ҳам негиз ярата билди. Хоразмшоҳ Отсизнинг ишини унинг ўғли Эл Арслон (1156-1172 йиллар) давом эттиради. Унинг давридан эътиборан Хоразм мустақил давлат сифатида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан тараққий эта бошлади³.

Хоразм Аловиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1221 йиллар) даврида қудратли давлатга айланди. Унинг даврида Орол денгизидан Ҳинд океанигача, Ироқдан Шарқий Туркистонгача бўлган улкан ҳудуд тақдири Хоразмда ҳал бўларди⁴.

Улкан минтақада сиёсий яхлитлик ва барқарорликка эришилиши, табиий равишда ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ижобий ўзгаришлар ҳосил бўлишига сабаб бўлиши аниқ эди. Археологик изланишлар, ёзма манбаларнинг гувоҳлигига кўра, бу даврда сунъий суғоришга катта эътибор берилиб, вохалар имконидан иложи борица кенг фойдаланишга ҳаракат қилинган. Натижада деҳқончиликнинг ривожланишида умуман узилиш бўлмаган. Бизга илгари даврлардан маълум бўлган маҳсулот турларининг барчаси бу минтақада етиштирилган.

Хоразм ислом дунёсининг, узоқ шарқ даштликларидаги кўчманчи халқлар, қисман Рус ерлари ва Болтиқбўйи халқлари билан иқтисодий муносабатлар ўрнатиш мумкин бўлган минтақада жойлашган эди. Ўлканинг бу хусусияти Хоразм халқининг хунармандчилик ва савдо-сотикда алоҳида бир муҳим роль ўйнашига имкон берарди. Хоразм халқи юқорида айтиб ўтилганидек, ниҳоятда катта ва мукамал сунъий суғориш тармоқларини барпо этган эди. Бу ҳол бутун минтақада деҳқончилик ва хунармандчиликнинг бекиёс даражада ривожланишига асос бўлди.

Хоразм давлатининг нисбатан қисқа давом этган мустақиллиги даврида шаҳарларда ҳаёт қайнаб, савдо-сотик, хунармандчилик ривожланган. Мамлакатда ишлаб чиқарилган турли хилдаги газламалар, заргарлик буюмлари, кийим-кечаклар, гилам, поёндоз, тери, жун, ёғ-мой, совун, қурол-аслаҳа, эгар-жабдуклар, хўл мева, қуруқ мева, ипакликлар, жавоҳирлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорда ҳаридоргир эди. Албатта, бунда тегишли давлат идораларининг ҳиссаси ҳам катта бўлган. Чунончи, доим бўлганидек муҳтасиблар бозорлардаги нарх-наво, маҳсулотларнинг сифати, тошу-тарозунинг аҳволидан хабардор бўлишни тўхтатмаганлар. Карвон йўлларида тўхташ жойлари, работлар, карвонсаройлар яна фаолият кўрсатишда давом этган, вохаларда сув омборлари, хавзалари қурилган ёки

¹ Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Биринчи китоб. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997. 297-298-бетлар.

² Ўша асар. 299-бет.

³ Жабборов И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати. – Тошкент: 2002. 86-бет.

⁴ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 137-бет.

мавжудлари доимий равишда таъмирланиб турилган. Энг муҳим маълумотлардан бири шуки, катта карвонларни кўриқлаб боришга ҳатто султоннинг шахсий пахлавонлари ҳам жалб этилган¹.

Хоразмшоҳлар даври иқтисодий муносабатлар ҳақида сўз юритар эканмиз, бу муносабатларда савдо карвонлари фаолияти характериға алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Маълумки, Аловиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1221 йиллар) даврида Хоразмшоҳлар давлати чегараси Ўрта ер денгизигача чўзилган бўлиб, карвон савдоси бевосита Ўрта Осиёни Яқин Шарқ мамлакатлари билан боғлаган. Ўрта Осиёда тайёрланган хунармандчилик маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортган карвонлар халифалик пойтахти Бағдодгача ва ҳатто Мисргача етиб борган. Шунингдек, Хоразм савдогарлари шимол томонда Россия ҳудудлари, Узоқ Шарқ ва Сибирь ўлкалари билан ҳам савдо алоқаларини олиб борганлар. Икки ўртада олиб борилган савдода анъанавий товарлар айирбошланган.

Лекин бу даврда Хитой билан бўлган карвон савдоси бирмунча сусайган. Чунки, Шарқий Туркистондаги Кучлукхон давлати Хоразмшоҳлар билан душман муносабатида бўлиб, бу давлат Хитойга борадиган савдо йўллари устидан ҳукмронлик ўрнатган эди. Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад Хитой билан савдо алоқаларини йўлга қўйиш учун Кучлук давлатига барҳам бериши керак эди. Лекин 1215 йилда мўғул давлати хони Чингизхон ундан илгарироқ шимолий Хитойнинг пойтахти Пекинни босиб олиб, жуда катта ўлжалар билан Мўғулистонга қайтади. Бу босқин натижасида Хитойдаги Чинь сулоласи қулайди, Хитойнинг кўпгина шаҳарлари вайрон қилиниб, деҳқончилик ва хунармандчилик тушкунликка учрайди. Кўпгина хитойлик хунармандлар, моҳир усталар Чингизхон томонидан қул қилиниб, олиб кетилади. Бу ҳол Хитой билан бўладиган савдо алоқаларига батамом барҳам беради².

Шу ўринда бир масалаға эътибор қаратиб ўтиш лозимки, Чингизхон кўчманчи давлат ҳукмдори, шафқатсиз босқинчи ва истилочи бўлишиға қарамай, мусулмон савдогарларига яхши муомалада бўлган. Бу вақтда, яъни 1215 йилда Чингизхон мусулмон мамлакатларини истило қилишни ҳали ўйлаганича йўқ эди, чунки у ўзига фойда келтирадиган ва билоғон кишилар бўлиб туюлган мусулмон савдогарлари орқали мусулмон мамлакатлари билан савдо-сотик қилишни жуда фойдали ҳисоблаб, мусулмонларға яхши муносабатда эди. Чингизхон бу мақсади йўлида бир қанча мусулмон савдогарлари хизматидан фойдаланган. Асли хоразмлик бўлган савдогар Маҳмуд Яловоч Чингизхонға хизмат қилиб, кейинчалик жуда катта бойлик тўплаб, юқори лавозимларни эгаллаганлиги барчамизға маълум³.

Чингизхон Хоразмшоҳлар давлати ҳудудларига босқинчилик юришлари қилгунға қадар икки давлат ўртасида бир муддат савдо алоқаларининг йўлга қўйилганлиги ҳам манбаларда қайд қилиб ўтилган.

1218 йилда Муҳаммад Хоразмшоҳ Чингизхон хузуриға элчилар ҳайъатини жўнатади. Бу элчилар Чингизхон олдиға катта савдо карвони билан боради. Карвон Аҳмад Хўжандий ва Аҳмад Болчич бошчилигида эди. Аҳмад Болчич ўз товарларини уч баробар қимматиға сотмоқчи бўлади, аммо Чингизхон ҳамма маҳсулотларнинг нархини яхши билганидан Аҳмад Болчич ниятиға ета олмайди. Шундай бўлсада, савдогарларнинг олиб борган товарларини Чингизхон ва унинг яқин кишилари дуруст баҳода сотиб олади, савдогарлар ўз ватаниға мамнун бўлиб қайтадилар.

Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад томонидан юборилган бу савдо карвонига жавоб тариқасида Чингизхон Хоразмға Маҳмуд Яловоч бошчилигидаги савдо карвонини жўнатади. Маҳмуд Яловоч ҳам савдо карвонининг бошлиғи, ҳам Чингизхоннинг элчиси сифатида Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад билан Бухорода

¹ Бунятов З.М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. – М.: “Наука”, 1986. – С. 163.

² Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. – Т.: “Фан”, 1992. 122-бет.

³ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 139-бет.

учрашади. Биз бу учрашувнинг фақат иқтисодий жиҳатларигагина тўхталиб ўтадиган бўлсак, Хоразмшоҳ Чингизхон билан яқин қўшничилик қилишга, савдо алоқалари олиб боришга ваъда қилиб элчиларни жўнатиб юборади.

Чингизхон Хоразмшоҳга ўз мамнунлигини билдириш ва икки буюк қўшни давлат ўртасида шартнома тузиш учун 1218 йилда Хоразмга 450 кишидан иборат ғоят катта савдо карвони ва элчилар гуруҳини юборади. Карвоннинг юклари 500 туяга ортилган бўлиб, карвон ниҳоятда кўп қимматбаҳо буюмлар ва совғалар олиб борарди. Чингизхоннинг савдо карвонига ўтган сафаргидек мусулмон савдогарлари бошчилик қилиб борарди. Карвон ана шу пайтда Хоразмшоҳ Муҳаммад турган Урганчга – Хоразмнинг пойтахтига қараб бормоқда эди. Аммо карвон Урганчга етиб бормайди, чунки у чегара шаҳри Ўтрорда ушлаб қолинади. Ўтрор қалъаси бошлиғи Инолчиқхон (баъзи бир манбаларда унинг исми Ғойирхон сифатида тилга олинади) Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг розилиги билан ўз аскарларига савдо карвонини талаб ва карвон аҳлининг ҳаммасини қириб ташлашни буюради. Карвонни олиб бораётганлардан фақат бир киши – бир туякашгина ўлимдан қутулиб қолади. У бир амаллаб Чингизхоннинг қароргоҳига етиб бориб, карвоннинг бошига тушган фалокат ҳақида сўзлаб беради¹.

Ушбу карвоннинг Ўтрорда таланиш воқеаси Чингизхоннинг Ўрта Осиёга ҳарбий юриш қилишига сабаб сифатида кўрсатилади.

Чингизхоннинг Ўрта Осиёга қилган босқинчилик юришлари натижасида бу минтақадаги обод ва ривожланган шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинди. Жуда кўплаб суғориш иншоотлари бузиб ташланди. Суғориладиган экинзорлар, боғ-роғлар ҳаробликка юз тутди. Шаҳарларда жуда кўп тинч аҳоли қириб ташланди. Минглаб хунармандлар, усталар қул қилиб олиб кетилди. Мўғул истилоси натижасида Ўрта Осиёда иқтисодий тараққиёт таназзулга юз тутди. Деҳқончилик ва хунармандчиликнинг инқироzi ўз навбатида савдо-сотиқнинг ҳам таназзулга учрашига сабаб бўлди.

Маданий жиҳатдан бўйсундирилган халқлардан анча орқада бўлган чингизий мўғуллар ҳукмронлиги даврида бутун Ўрта Осиёда хўжалик ҳаёти қолоқликка юз тутди. Мўғул истилоси натижасида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида тараққиёт тўхтаб қолди. Умуман айтганда, мўғул истилоси улар томонидан бўйсундирилган қарам ўлкалар тарихий тараққиёт йўлида салбий из қолдирди.

¹ Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. – М.: “Наука”, 1986. – С. 187.

ХУЛОСА

Ватанимизнинг ўрта асрлар даври тарихини, хусусан IX-XIII асрлардаги хунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо алоқалари тарихини, унинг турли жиҳатларини ўрганиш, илмий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг қадимий тарихи советлар ҳокимияти йилларида коммунистик мафкура таъсири боис ҳаққоний ўрганилмади. Ўтмишдаги бутун воқеа-ҳодисалар синфийлик нуқтаи назаридан фақат қораланган ҳолда талқин қилинди. Бу жиҳатдан ривожланган ўрта асрлардаги хунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдо-сотиқ муносабатлари тарихи ҳам бундай бирёқламаликдан холи эмас. Бу масалани ёритишда миллийлик, анъанавийлик, ўзига хослик каби масалаларга эътибор берилмади. Фақат Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришилганидан кейингина ўзбек тарихнавислигида ушбу масалаларга жиддий эътибор берилди бошлади. Тарихимизни ўрганиш, ҳаққоний ёритиш борасида атайин бузиб талқин қилинган масалалар бугунги кунда миллий ғоя руҳида тамоман янги методология асосида ҳолисона тадқиқ этилмоқда.

Ўзбекистон тарихининг советлар ҳукмронлиги даврида ҳолисона ўрганилмаган, кўпроқ қораланиб талқин қилинган масалаларидан бири бу ривожланган ўрта асрлардаги хунармандчилик, тадбиркорлик муносабатлари ва савдо-сотиқ алоқалари тарихидир. IX-XIII асрларда Мовароуннаҳрда сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар сулоласи томонидан бошқарилган маҳаллий марказлашган давлатлар ташкил топиб, бирин-кетин ҳукм сурдилар. Бу даврда ўзбек халқининг давлатчилигида, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида юксак тараққиётга эришилди. Мовароуннаҳрнинг ягона давлат қўли остида бирлаштирилиши ва оқилона сиёсат юритилиши натижасида энг аввало кўчманчи қабилаларнинг босқинчилик юришларига барҳам берилди. Халқ тинч, фаровон ҳаёт кечири бошлади. Мамлакатда тинчлик, хотиржамликнинг қарор топиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг жонланишига таъсир кўрсатди. Янгидан-янги деҳқончилик майдонлари ўзлаштирилди, янги суғориш тармоқлари ва иншоотлари бунёд этилди. Қишлоқ хўжалиги ривожланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кескин кўпайди. Мовароуннаҳрда шаҳарлар ҳам кенгайиб, тобора обод ва фаровон бўлиб борди. Шаҳар аҳолиси ҳам кўпайди, янгидан-янги шаҳарлар вужудга келди. Шаҳарларда хунармандчилик мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Хунармандчиликнинг янги-янги соҳалари, тармоқлари шаклланди. Мовароуннаҳр хунармандчилиги маҳсулотлари фақат ички эҳтиёжлар учунгина эмас, балки бошқа мамлакатларга чиқариш учун ҳам ишлаб чиқарилади эди. Мовароуннаҳр хунармандлари томонидан тайёрланган турли хунармандчилик маҳсулотлари кўпгина Шарқ ва Европа мамлакатларига олиб кетилган ва у мамлакатларда жуда машҳур бўлган.

Хунармандчиликнинг ривожланиши ва хунармандчилик маҳсулотлари турларининг кўпайиши ўз навбатида тадбиркорлик, савдо-сотиқ муносабатларининг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. IX-XIII асрларда Ўрта Осиёда ўнлаб йирик шаҳарлар бўлиб, уларда хунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдо-сотиқ гуркираб ривожланди. Бу даврда мамлакат ягона давлат қўлида бирлаштирилиб, бутун мамлакат ҳудудларида ҳавфсизлик таъминланиши натижасида, ташқи савдо ҳам ривожланиб борди. IX-X асрлардаёқ бутун минтақада қарвонлар савдоси катта суръат билан фаолият кўрсатар эди. Қарвон савдоси Мовароуннаҳр хунармандлари томонидан тайёрланган турли буюмлар ва ҳар-хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қўшни мамлакатларга олиб борар эдилар. Ўрта Осиёлик савдогарлар томонидан уюштирилган савдо қарвонлари Россия, Сибирь, Шарқий Европа мамлакатларига ва қўшни Шарқ

мамлакатларига турли моллар олиб борар ва бу ерда ўз молларини маҳаллий товарларга айирбошлар эдилар.

Карвон савдоси хавфсизлигини таъминлаш, уларга қулай шароитлар яратиш учун карвон йўлларида карвон аҳли тўхтаб дам олишлари учун работлар, карвонсаройлар барпо этилган. Йирик шаҳарларда ўнлаб катта карвонсаройлар фаолият кўрсатар эди. Карвонсаройлар бу даврда фақат карвонлар тўхтайдиган жой бўлибгина қолмай, кўтарасига савдо қилинадиган савдо маркази ролини ҳам бажарган.

IX-XIII асрларда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши Ўрта Осиёда пул муомаласининг ҳам ривожланишига таъсир кўрсатди. Бу даврда маҳаллий давлатлар томонидан барқарор пуллар зарб қилинган. Ҳатто шундай олтин тангалар ҳам зарб қилинганки, бу пуллар фақат халқаро савдодагина муомалада юрган.

Карвонлар савдосининг халқаро миқёсда тараққий этиши натижасида йирик пуллар ўрнига ўтувчи чеклар IX асрлардаёқ кенг муомалага кириб келган. Савдогарлар бундай чеклар воситасида хорижий мамлакатлардаги сармоядорлардан чекланмаган миқдордаги нақд пулларни олишлари мумкин эди.

Мовароуннаҳрда юзага келган юксак иқтисодий тараққиёт XIII аср бошларида Ўрта Осиёга Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар истилоси оқибатида таназзулга юз тутди. Мўғулларнинг босқинчилик юришлари натижасида бу минтақадаги обод ва ривожланган шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинди. Деҳқончилик ва ҳунармандчилик инкирози савдо-сотиқнинг ҳам таназзулга учрашига сабаб бўлди. Маданий жиҳатдан бўйсундирилган халқлардан анча орқада бўлган чингизийлар ҳукмронлиги қарам ўлкалар тарихий тараққиётида жуда катта салбий из қолдирди.

Ушбу магистрлик диссертациясида илгари сурилган назарий мулоҳазалар асосида ўрганилган мавзу юзасидан қуйидаги таклифлар илгари сурилмоқда:

- IX-XIII асрларда Ўрта Осиёда юзага келган иқтисодий тараққиёт, хусусан, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ тараққиёти ва унинг омилларини тарихшуносликнинг бугунги талаблари даражасида ҳар тарафлама тадқиқ этиш ва ўрганиш;

- халқимизнинг ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ, тадбиркорлик борасидаги кўп минг йиллик тажрибалари ва анъаналарини миллий кадрият сифатида эъзозлаш ва уни бугунги кун ёшлари онгига сингдириш;

- бугунги кунда Республикамизда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотларни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришда қайд этилган миллий кадриятлардан оқилона фойдаланиш, уларни бугунги кун шароитига мослаб татбиқ этиш;

- ривожланган ўрта асрлардаги ҳунармандчилик, тадбиркорлик муносабатлари ва савдо-сотиқ алоқалари тарихини ҳолисона ва ҳаққоний ўрганиб, бу мавзудаги мавжуд манбаларни тўла тадқиқ этиб, мазкур мавзуда Ўзбекистон тарихидан дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монографиялар яратиш, уларни халқ оммасига етказиш бугунги куннинг энг муҳим, долзарб вазифаларидан бири саналади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Биринчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: “Шарк”, 1998.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

II. Манбалар

1. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: “Фан”, 1968.
2. Абулғозий Баҳодурхон. Шажарайи турк. – Т.: “Чўлпон”, 1990.
3. Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. – Т.: “Чўлпон”, 1991.
4. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А. Расулев таржимаси. – Т.: “Фан”, 1966.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, 1994.
6. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр-ул мулк). Форс тилидан Ш. Воҳидов, А. Эркинов таржимаси. – Т.: “Адолат”, 1997.

III. Адабиётлар

1. Агаджанов С.Г. Сельжукиды и Туркмения в IX-XII вв. – Ашхабад: 1973.
2. Агаджанов С.Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX-XII вв. – Ашхабад: 1969.
3. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1991.
4. Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1994.
5. Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи. – Т.: “Университет”, 2007.
6. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: 2007.
7. Бартольд В.В. Сочинения. Т. 1. – Москва: 1963.
8. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков А.А. Средневековый город Средней Азии. – Москва: 1973.
9. Буниятов З.М. Государство Харезмшахов – Ануштегинидов. – Москва: 1986.
10. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, 1991.
11. Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. – Душанбе: 1989.

12. Жабборов И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати. – Тошкент: 2002.
13. Зиёев Ҳ. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари. – Т.: “Фан”, 1965.
14. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) – Т.: “Шарқ”, 2000.
15. История Узбекской ССР. Том I. Книга первая. – Ташкент: 1955.
16. История народов Узбекистана. Том 1-2. – Ташкент: 1947.
17. История Узбекской ССР. Т. 2-3. – Ташкент: 1952., 1953.
18. История Ташкента. Том 1. – Т.: “Фан”, 1968.
19. Кабиров А., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1990.
20. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи (Биринчи китоб). – Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
21. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. – М.: “Наука”, 1964.
22. Муаллифлар гуруҳи. Бухоро тарихи. – Т.: “Фан”, 1974.
23. Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Бухоро. – Т.: “Фан”, 1991.
24. Норкулов Н. Сомонийлар давлати. // “Жамият ва бошқарув”, 2001. №2.
25. Ртвеладзе Э.В. ўрта Осиёнинг қадимги тангалари. – Т.: “Фан”, 1987.
26. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. – Т.: “Энциклопедия”, 1999.
27. Самарқанд тарихи. 1-2 томлар. – Т.: “Фан”, 1971.
28. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
29. Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: “Академия”, 2000.
30. Караев О. О. История караханидского каганата. – Фрунзе: 1983.
31. Маҳкамова Н. Великий Шелковый путь и развитие торговли в Средней Азии. // “Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: 2004.
32. Мустафоев З.М. IX-X асрларда Мовароуннаҳрда қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши. // Ўзбекистон тарихини ўқитиш муаммолари: тажриба ва истиқболлар.
33. Очерки истории формирования и развития предпринимательства в Узбекистане. / Отв. ред. Д.Х. Зияева, Д.А. Алимова. – Ташкент: 2011.
34. Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. – Андижон: 2011.
35. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tapixi. Birinchi kitob (to'ldirilgan, qayta ishlangan ikkinchi nashri). – Т.: “Sharq”, 2010.
36. Янин В.И. Денежно-весовые системы русского средневековья. – Москва: 1966.
37. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга элтувчи билим). – Т.: “Чўлпон”, 1990.
38. Ўзбекистон ССР тарихи. I том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1956.
39. Ўзбекистон ССР тарихи, 1-2- жилдлар. Тошкент: 1967 – 1970.
40. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-2 жилдлар. – Тошкент: “Фан”, 1992-1993.
41. Ўзбекистон тарихининг долзарб саҳифаларига янги қизгилар. Даврий тўплам. №2. – Т.: “Шарқ”, 1999.
42. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: “Шарқ”, 2001.
43. Ўзбекистон тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003.
44. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1-Х томлар. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти”, 2001-2005.
45. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. – Т.: “Чўлпон”, 1993.

